Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
31 сон
3 – 9 август 2006 йил

# ОИЛА – ВАТАННИНГ СУЯНГАН ТОҒИ



Мавлудахон Каттақўрғондан Жиззахга келин бўлиб тушганида 19 ёшда эди. Сочлари қалин, узун, оппоқ юзларига ярашган қилич қошлари, ёниб турган кўзлари, иссиқ истараси Жиззахга Каттақўрғоннинг кўрку таровватини олиб келгандек эди.

Турмуш ўртоғи Ҳамидулла иккиси узукка кўз қўйгандек мос тушдилар. Қайнотаси Абдулла ака Мелиев Каттақўрғон шаҳрида масъул лавозимда ишларди. Отаси Мели бобо, онаси Меҳринисо момо Жиззахнинг Ўратепалик маҳалласида истиқомат қилишар, тўнғич неваралари Ҳамидулла улар билан бирга эди. Келин шу ҳовлига тушди. Оёқ-қўли чаққон, тили ширин, одобли, меҳнатсевар келин келгач, Абдулла аканинг ҳам кўнгли хотиржам бўлиб, ўз ишини давом эттирди.

Қайнона момо билан, қайнота бува ҳам ҳузур топиб қолишди. Яхши оилада тарбия кўрган Мавлудахон уларни оқ ювиб, оқ тарады. Кийимларига гард юқтирмади. Ширин таомлар пишириб, оғзиларига тутди. Меҳнати туфайли оиласида қадр топди. Каттақўрғон план-иқтисод техникумининг дипломи билан келинчак бўлган Мавлуда, ўқишини яна давом эттирди. Самарқанд кооператив институтини сиртдан битириб, олий маълумотли бўлди.

Мели бобо 85 ёшда, Меҳринисо момо 93 ёшда дунёдан ўтишди. Невара келини Мавлудахонни, оғир-босиқ, ақлли, меҳнаткаш невараси Ҳамидуллани дуо қила-қила кетдилар.

Биргаликда кечаётган иноқ ҳаёт, умр Ҳамидулла ака ва Мавлудахонга қатор дипломлар, унвонлар, бир-биридан гўзал, одобли, билимли фарзандлар ҳадя этди. Қизлари Баҳора магистр, бир қизчанинг онаси. Ўғиллари Мелижон, Дилшоджон талабалар. Бири ҳуқуқшунос бўлмоқчи, иккинчиси ота изидан кетмоқчи. Оила бошлиғи Ҳамидулла Мелиев Педагогика фанлари номзоди, профессор. Жиззах Давлат Педагогика институти проректори.

Мавлудахон Мелиева биринчи категорияли иқтисодчи. Жиззах «Пахта банки»да етакчи мутахассис. Турли маърифий тадбирларга бош-қош. Кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштириш, маҳаллага ҳомийлик қилиш, меҳнат фахрийларини йўқлаш, байрамларни нишонлашда елиб-югуриб хизмат қилади.

Мелиевлар оиласини «Ўратепалик»да тотув, намунали оила сифатида ҳурмат қилишади.

Қуйидаги мисралар шундай бахтли оилалар ҳақида айтилган:

***Оиланг таянчинг, оиланг тахтинг,***
***Сен унда фуқаро, сен унда шоҳсан.***
***Мукаммал бўлгайдир қувончинг, бахтинг,***
***Шому саҳаридан агар огоҳсан.***

***Оила - Ватаннинг суянган тоғи,***
***Мангу бирлик учун қўйилган муҳр.***
***Мудом ёниб турсин ҳар уй чироғи,***
***Бор бўлсин оқибат, бор бўлсин меҳр!***

**Хосият БОБОМУРОДОВА**

# ТОЙЛОҚДА СПОРТ БАЙРАМИ

***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Самарқанд вилоят Ҳокимлиги ташаббуси билан Тойлоқ туманида мамлакатимиз Истиқлолининг 15 йиллик тўйига бағишлаб аёллар ўртасида велоспорт пойгаси ўтказилди.***

- Тойлоқ туманида ўтказилган велоспорт пойгасида жами 56 нафар аёллар ва қизлар иштирок этишди.

- Ушбу тадбирга тайёргарлик давомида Тойлоқ туманидаги турли маҳаллаларнинг уй бекалари, ташкилот ва муассасалар вакиллари ўзаро беллашишди,- деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Зулфия Мўминова. - Кувонарлиси, мусобақада қатнашаётган оила аъзоси, рафиқаси, синглисига мухлислик қилган эркакларимиз хотин-қизларнинг спортга бўлган қизиқишларига хайрихохлик билан қарашлари бўлди. Ҳаттоки, кайвони қайнона ва кекса қайнотолар ҳам келинларининг ғалаба қозонишларига далда бўлиб туришди.

Қизғин курашлар остида ўтган велоспорт пойгасида биринчи мукофот Пойи-Сиёб маҳалласи фуқароси Жўраева Гулмирага насиб этди. Юқори Тойлоқ маҳалласидан Мардонова Нигора иккинчи ўринга муяссар бўлди. Учинчи ўринни Пайшанба - Сиёб маҳалласи уй бекаси Мардонова Комила қўлга киритди. Мусобақанинг энг ёш иштирокчиси номинацияси бўйича махсус совринга 14 ёшлик ўқувчи - Турсунова Зарина сазовор бўлди.

Шундай велоспорт мусобақасини Ургут тумани ҳамда Каттақўрғон шаҳрида ўтказиш режалаштирилгани эълон қилинди.

**Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**«Туркистон-пресс»**

*Ахборот*

# ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини бажара бориб "ЭКО-САН" халқаро ташкилоти экофестиваллар марафонини ўтказмоқда. Марафондан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг сайёҳлик, экосайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини намойиш этиш, табиий ва маданий бойликларимизни сақлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилувчи экотуризмни ривожлантиришдан иборат.

Марафон доирасида Тошкент, Нукус ва Самарқанд шаҳарларида экофестиваллар бўлиб ўтди. 4 август куни худди шундай тадбирлар Бухоро ва Навоий шаҳарларида ўтказилади.

Шунингдек, "ЭКОСАН" ташкилотининг саломатлик поезди Қорақалпоғистон Республикасидан қайтиб келди. Поезд шифокорлари республиканинг Амударё, Беруний, Элликқалъа, Тахиатош, Хўжайли, Чимбой ва бошқа туманларида жами 3234 нафар беморларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Уларнинг 1946 нафари аёллар, 727 нафари эса болалардир. Жойларда 13 та жарроҳлик операциялари ҳам амалга оширилди. Жами 350 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари тарқатилди.

**Д. ИБРОҲИМОВ.**






# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ УЛУҒ НЕЪМАТ

Саксонни қоралаган пиру бадавлат онахон Санам опа Шоймардонова ўтган умридан, бошдан кечган яхши-ёмон кунларидан сўзлаб беришини сўраганда, шундай дедилар:

- Бу бошдан ҳамма нарса ўтаркан очарчилик, қаҳатчилик, ташвиш-тахликали замонларни кўрдик. Худога шукр, мана юртимиз мустақиллигини ҳам кўриб турибмиз. 1943 йилда ҳали ўн бешга тўлмаган ўсмир қизни тупканинг тубига, Фарҳод каналига жўнатишди. Айбим - отамнинг колхоз раиси билан айтишиб қолгани эди. Раисларнинг у маҳаллар "ўлдиргани ўрол, суйгани ҳалол" бўларди. Ҳатто РайОНО мудири, марҳум Усмон Дониёров: "Ҳали гўдак-ку, бу бормайди", деганидаям раис кўнмаганди.

**- Қийин бўлгандир у ерда, сиз тенгилар ҳам бормиди?**

- Канал қазувчилар фронтга олинмаган кексароқ одамлар эди. Биз улар чиқарган тупроқни зилдай тўрваларда ташиб, узоққа олиб бориб тўкардик. Тупроқ тўплангунча, тош ташиб, Сирдарёга ағдарар эдик. Ўн саккиз соатлаб ишлатишар, овқат тўяр-тўймас атала эди. Эркаклар зах ертўлаларда, аёллар ва қизлар пастқам гувала уйларда яшарди. Чарчаганимдан кечқурун донг қотардим. Шу сабаб бир сафар Ҳалима Носирова, Тамарахонимлар боришганда кўролмаганман.

Дарҳақиқат катталар ҳам чидаши мушкул шароитларни гўдак вужуд кўтаролмади, олти ойда кимнингдир раҳми келиб, қизчани қайтариб юбордилар.

- Мен далани ёқтирардим, - дейди ая. - Деҳқончиликдан обрў топган отамга ҳавас қилардим. 1946-1952 йилларда "Шарқ ҳақиқати" хўжалигида ёшлар жамоасига бош бўлдим, югуриб-елиб ишладим. Шу орада Убайдулло акангиз билан уй қилдик.

Опа "эрни эр қилган" хотин, фарзандларига меҳрибон она, тарбиячи бўлди. Санам Шоймардонова 1952 йилда янгидан очилган болалар боғчасига мудираликка тайинланди.

Энди русум бўлаётган боғчага бола жалб қилиш, ота-оналар билан тил топишишда ўзини кўрсатиб, 1970 йилгача ишлади. Маҳалла раиси Абулқосим Раҳимов эслайди: "Оздир-кўпдир ижобий хислатларимнинг кўпини шу опадан олганман. 1953 йилда бизни мактабга кузатишганида "опамнинг ёнидан кетмайман", деб йиғлаганман. Санам чеча фарзандлари билан яшаб турган хонадон ҳар йили маҳалламиздаги энг яхши ҳовлилар рўйхатининг бошида"...

Маълумингизким, аёлнинг обрўси аввало фарзандларининг нечоғли одам бўлгани билан баҳоланади. Убайдулло ака билан Санам опа 8 фарзанд ўстириб баҳоли қудрат элга қўшдилар. Бахтиёр вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасида масъул вазифада, таниқли невропатолог, Баҳодир ва Шамсиддин-тадбиркор, Гулсарахон олий маълумотли савдо ходими, Ойсара ва Муҳаббатхонлар ҳисобчи, Ҳосиятой - шифокор, кенжалари Назокат савдо соҳасида ишбилармон.

Онахоннинг хизматлари "Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун" медали, турли нишонлар ва ёрлиқларга лойиқ кўрилган.

**- Юртимиз мустақиллиги ҳақида нима дейсиз? - сўрайман мен.**

- Ўринли сўрадингиз, ука. Ҳали ҳам "Союз" даври у эди, бу эди, деган ёзғиришларни гоҳида эшитаман, ғашим келади.

Ахир, одам фақат еб-ичиш учун яшамайди-ку! Қолаверса, то саҳардан шомгача гоҳо изғирин қор-совуқларда ҳам пахта териб, яна кечаси билан кўсак чувиганимизу, заҳарли дорилардан заҳарланиб юқумли касаллар шифохоналарига сиғмай кетган кунларимизни қандай унутамиз?

Хуллас, "боши минг тошга теккан" бир кексаларингиз, бир тиловчиларингиз ўрнида сўзим: Ўзбекистоннинг мустақиллиги бизнинг халқимиз ва юртимизга Оллоҳ иноят этган улуғ неъмат. Уни авайлаш, асраш учун ҳар биримиз фидойи бўлайлик!

**Абдурасул РАҲИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Шўрчи тумани,**
**Охунбобоев номли**
**ширкат хўжалиги.**

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

# "МАРДЛИК, МЕҲНАТ ИЛҲОМИ БОР"...

***Дунёда биттагина аёл мавжуд бўлса ҳам ўша ерда ҳурмат-эътибор, муҳаббат бўлади, дейишган экан донишмандлар. Биз Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида бўлиб, опа-сингилларимиз ҳаёти билан танишар эканмиз, яна бир бор бу ҳаётий ҳақиқатнинг гувоҳи бўлдик.***

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, туман ҳокими Неъматулло Худойберганов очиқ чеҳра билан кутиб олиб, газетамиз шаънига илиқ муносабат билдираркан:

- Аёллар меҳнат қилмаётган гўшанинг ўзи йўқ бизда, - деди фахр билан. - Чунки уларнинг қўли теккан жойда гул унади. Масалан, "Тоза Амиробод" ширкат хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Тожигул Амированинг ширкат аҳлига яратган шароити - мактаб, шифохона, "Ёшлар хиёбони", янги қурилган спорт мажмуасини кўриб, унинг шиддатига таҳсин ўқийсиз. Шунинг учун ҳам Тожигулни "Тоза боғ" овули фуқаролар йиғини жамоаси жуда ҳурмат қилишади.

- Шижоатли аёл, қизларимиздан 405 ўринли 50-мактаб директори, узоқ йиллардан буён ёш авлодни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаётган "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги" эсдалик нишони нишондори Шерпа Бобожонова ҳақида илиқ гапириш мумкин, - дея суҳбатга қўшилади хонага кириб келган туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Ибрагимова. - Юртимизнинг кўп йиллик тарихини дунёга танитиш учун жони куйиб юрган Дилбар Каримбердиева "Аёзқалъа" сайёҳлик фирмасини очганига 10 йилча бўлиб қолди. 5 та туя, 10 та миллий жиҳозланган ўтов, 1 та автобус саёҳатчилар хизматида. У меҳмонларга чўлнинг ўртасида барча маданий-маиший шароитларни муҳайё қилган. Қароргоҳни кўриб, чет эллик меҳмонлар ҳам ҳайратларини яшира олмаяптилар. Қувончлиси, бу жой ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Дилбархон турмуш ўртоғи Зокир ака билан "Аёзқалъа"ни оилавий бошқаришади.



Элликқалъа тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳра Ибрагимова (ўртада) фаоллар даврасида.

Шунингдек, пиру бадавлат отахону онахонларимиз ҳам газетангиз қаҳрамонлари бўла оладилар. 104 ёшлик нуроний отахонимиз Отажон Каримовнинг оиласига ҳавас қилмайдиган одам йўқ. Ҳа-да, 103 ёшгача (1923-2005 йилгача) таълим соҳасида ишлаган, шундан 41 йил мактаб директори бўлган инсонга ким ҳам ҳавас қилмайди, дейсиз! Букун бир ўғил ва 2 қиздан кўпайган оила аъзолари йиғилишса, отанинг ҳовлисига сиғмай кетишади. Бахтни қарангки, келинлардан 11 нафари қайнота бобонинг касбини эгаллашган - ўқитувчи бўлиб хизмат қилишади. Ўғли - Боғибек ҳам Тошкент автомобил йўллари олийгоҳида ўқитувчи, фан номзоди, доцент. Ота ҳали тетик - Қошқура маҳалласи аҳлини доно насиҳатлари билан сергаклантириб туради. Отахон узоқ умр кўришининг сирини спорт билан шуғулланишда деб билади. Уларнинг ёшларини берсин ҳаммага ҳам!



104 ёшли отахон Отажон Каримов оила аъзолари билан.



Шерпа Бобожонова оиласи.

Умуман олганда, оилаларнинг бутунлиги учун қанча хизмат қилсак ҳам арзийди. "Шодлик" болалар боғчаси қошида ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти вакиллари иштирокида очилган "Оила таълими" маркази ҳам оналарнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилаяпти. У оила аъзоларининг бола тарбиясидаги билим ва савиясини оширишга йўналтирилган "Оилавий таълим дастури" асосида ишлаяпти. Бу борадаги ютуқларини кўриб, хотин-қизлар қўмитасига ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили Резо Хосейни бошчилигидаги гуруҳ аъзолари ҳам миннатдорчилик билдиришди. Улар Бўстон академик лицейида бўлиб, қилинаётган ишларга юқори баҳо бердилар. "Оилавий таълим дастури" бўйича ўтказилган Конгрессда 10 нафар бола ғолиб бўлди. Улар спорт анжомлари билан тақдирландилар. 18 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 107 оила ўртасида "Оилавий спорт" мусобақаларининг биринчи босқичи юқори савияда якунланганлиги ҳам қувонарлидир.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да эса кам таъминланган 102 та оилага биттадан сигир ва меҳнат дафтарчаси берилди. Пилла қурти боқишда жонбозлик кўрсатган фаол хотин-қизлар эса 1,5 млн. сўмликдан ортиқ қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

* * *

**Ҳа, шоир Иброҳим Юсупов айтганидек, Элликқалъа ва унинг фарзандлари ҳақида қанча таъриф берилса оз:**

***Кўҳна тарих масканисан,***
***Чўлқуварлар Ватанисан,***
***Элнинг шонли деҳқонисан,***
***Мардлик меҳнат илҳоми бор,***
***Элликқалъа, Бўстони бор.***

***Ғозлар учар Ақчакўлдан,***
***Қўриқ очган саҳро-чўлдан,***
***Юрт айлансин сендек элдан,***
***Йигитларнинг султони бор,***
***Гўзал қиз ва жувони бор.***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

68 ёшдаман. Бир куни Гулистон шаҳрида яшовчи қизим Замирахонникига меҳмонга бордим. Қизгинамнинг ширингина турмушини кўриб, бахри-дилим очилди. Айниқса Гулистон давлат Университетининг 4-босқичида ўқиётган неварам Гулруҳнинг китоби нашрдан чиққанини эшитиб суюндим. Шу неварам ҳақида ўйласам, илоҳим, эл ардоқлаган қиз бўлсин, -деб ҳамиша қўлимни дуога очаман. Бир куни чой устида Гулруҳ неварам: "Бувижон, ўз маҳаллангизда кутубхона очмайсизми?" -деб қолди. Унга жавобан: "Йўғ-е, ёшим 68да бўлса, олдингидай ғайратим қолмаган, бунинг устига бир умр чеварлик қилган бўлсам, менга кутубхона очиш қаёқда",-дедим. Неварам эса: "Бувижон, сиз шу ташаббус билан чиқсангиз, албатта маҳалла аҳли ёрдам беради",-деди астойдил.

Орадан икки ой ўтиб, Қўқонга қайтдим. Кутубхона ташкил қилиш масаласи мени анча қизиқтириб қўйган эди. Бир куни маҳалламиз хотин-қизлари раисаси Кларахон Ҳасанованинг олдига чиқиб, бошламоқчи бўлган ишим ҳақида маслаҳат солдим. У киши гапларимни эшитиб, бу каби савоб ишга қўлидан келгунча ёрдам беришини айтди. Шундай қилиб маҳалланинг Кларахон Ҳасанова, Турсунали Тўйчибоев, Усмонжон Деҳқонов каби фидоийлари кўмагида бизнинг мўъжазгина кутубхонамиз ишга тушди. Дастлаб китоб фондимиз 44та китобни ташкил этган бўлса, ҳозирда 500тадан ошиб кетган. Шунингдек, кутубхонамизда миллий нашрларимиз билан бир қаторда, рус ва инглиз тилларида чоп этилган газета ҳамда журналлар ўз ўқувчиларини топган.

Шундай қилиб, неварамнинг биргина таклифи билан мен кекса бувидан ғайрати жўш урган кутубхоначи опай бўлдим. Айтадилар-ку хайрли ишнинг кечи йўқ деб. Зотан китобни ўқиш ва уқиш йўли ўзликни англаш манзилига олиб боради!

**Очилахон буви ИСМОИЛОВА**
**Қўқон шаҳар "Бирлик" маҳалласи кутубхоначиси**

Аёллар ҳақида ҳикоялар



# ҚУЁШ БИЛАН ТЕНГ УЙҒОНАДИ

Гоҳо турли зиддиятлардан, қалбингни тушунмаслардан, ноўрин ғазаблардан чарчайсан одам. Шунда дилингни англагувчи, сени табассум билан кутиб олгувчи, сокин, майин, иболи, тоза бир қалб билан дилкаш бўлгинг келади.

Ёнгинангда яшаётган оддий бир инсон, ўзи ҳам билмай дардингни олади. Ўзинг ҳам билмай унга суянгинг келади.

Жиззах туманидаги Хўжам Исроилов номли 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Неъматова билан учрашганимда шу фикр хаёлимдан ўтади. Уни ҳамиша иш билан банд, рўзғорига, болаларига, ишига парвона бўлиб юрганида учратаман. Бир аёл жисмига оғирлик қиладиган чеки йўқ ташвишлардан ҳоримасмикан, деб ўйлайман.

- Келинингиз доим кулиб туради-я, - дейман қайнонаси Муҳаррама опа Неъматовага.

- Худога шукр, шу пайтгача қовоғини солганини, иш кўп деб нолиганини, невараларимни койиганини, эрининг юзига тик боққанини кўрмадим, келинимнинг. Феруза келиним эмас, қизим. У оиламизга катта келин бўлиб тушди. Кўриб-билиб, оиласидаги тарбиясига ҳавас қилиб келин қилганмиз. Адашмаган эканмиз. Бизга мактабини тугатиб, келин бўлган эди. Жиззах Педагогика институтини сиртдан ўқиб, битирди. Олти йилдан буён бошланғич синфларни ўқитади. Мактабидагилар ҳам рози келинимдан. Биргалашиб набираларимизни катта қилаяпмиз. Азиза аяси ишлаётган мактабнинг 1-синфида ўқийди. Ёрқинжон билан Нозимахоним боғчага боришади.

Дилбар Ҳакимова - Ферузанинг аяси:

- Ферузани аям раҳматли тарбиялаганлар. Аямнинг рухсатисиз бирор жойга бормасди. Айтганларига қулоқ соларди. Ўн саккиз ёшида келин қилиб узатдик.

Феруза сабрли, интилувчан қиз. Ҳам оилада, ҳам ишда ўз ўрнини топди. Меҳнатдан қочмайди. Қайнонасидан, эридан берухсат меҳмонга ҳам келмайди. Уларнинг иззатини жойига қўяди.

Феруза ўқувчиларига меҳр билан ҳарф танитади. Ҳар бир ҳарф билан бирга сирлар эшиги томон бир қадам қўяди. Ўқувчиларининг беғубор онгига она, нон, Ватан сўзларини муҳрлайди.

Ҳар бир сабоқни "ассалому алайкум", сўзи билан бошлар экан, бу сеҳрли калом ила жажжи юракларга киради. Уларга қунт билан, сабр билан дарс ўргатади. Бир синфда ўттиз хил характер, ўттиз хил одатларга дуч келади. Бири ерга урса кўкка сапчийди, бири одамови, яна бирини мақташ, бошқасини койиш керак.

Ферузахон ўзининг энг катта дунёси - болалар қалбини кашф этишдан, уларни катталар дунёсига тайёрлашдан чарчамайди. Ўзи қўйган "аъло"лар ортидан суюнади, "ўрта"ларни етаклайди.

Ферузанинг синфига ўғил-қизларини кузатган оналарнинг кўнгли хотиржам. Болалари ишончли қўлда эканини яхши билишади.

**Хосият БОБОМУРОДОВА**

# ЭЗГУЛИК, ЯХШИЛИК, САМИМИЯТ ЭЛЧИСИ

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

**Оила ва Жамият 15 ёш менинг ҳаётимда**

"Оила ва жамият"ни илгари ҳам кузатиб борардим, аммо охирги уч йилда ашаддий мухлисига айландим. Ҳар сонини сабрсизлик билан кутаман. Биринчи саҳифасидан охиригача бирорта мақола назаримдан четда қолмайди. Бирор сабаб билан газета кечикса, ё уни ўқий олмай қолсам, ўша куни олам қоронғу, дилим хира, кўнглим ёришмайди.

...Уч йиллар муқаддам бошимдан ўтганларни бир дафтарга ёздиму ўйланиб қолдим: "Қораламаларим босишга арзирмикан? Одамлар ўқирмикан?" деган минг истиҳола билан қабулхонада қолдирдим. Уч-тўрт кун ўтиб, таҳририятдан қилинган қўнғироқдан ўзимни йўқота ёздим:

- "Оила ва жамият"дан сизни безовта қилаяпмиз. Ёзганларингиз навбатдаги сонда босилаяпти, яна ёзиб турарсиз, деган умиддамиз.

Гўшакни қанча ушлаб турдим билмайман. Вужудимни илиқ ҳаяжон қамраб олди. "Наҳотки? Шунчалик тез. Эшитганларим ростмикан?" дейман ўзимга-ўзим.

Мақола босилиб чиққач икки кун ухламадим. Ҳеч кимга кўрсатмай, қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу ҳузур-ҳаловатни ёзиш заҳматининг нашъу наъмосини, газета ҳидидан маст бўлиб, унинг завқини туядиган қаламкашларгина тасаввур қилиши мумкин. Оддий ўқувчига бу сирли ҳолатни сўз билан ифодалаш қийин.

Мақолангиз босилган газета энди оддий қоғоз эмас. У сизнинг бебаҳо мулкингизга айланади. Алоҳида қутиларда асрайсиз газетани.

Кўп вайт ўтмай, республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган кўплаб хатларда мақоламнинг ўқишли чиққани, кимларгадир манзур бўлгани баён этилиб, улар "Акс-садо" рукнида босилиб чиқди.

Шу-шу бўлди-ю, таҳририят эшигидан кета олмай қолдим. "Оила ва жамият" ҳаётим мазмунига, мен унинг муштоқига айландим. "Акс-садо", "Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара" рукнларига бир неча мақолалар ёздим. Кузатувларимдан шуни англадимки, таҳририят ходимларининг ўта зийрак эътибори, бағрикенглиги Баҳром Истамқулов, Мерган Бўматов, Раъно Ҳимматқулова, Эргаш Атоев, Ғайбулла Абдуллаев, Ғайнижамол Абдулла қизи, Шоира Ҳасанова, Охунжон Бегматов каби фаол қаламкашларни кашф этган.



Таҳририятга келган хабар, лавҳа ё бирор хат назардан четда қолмас экан. Мухлисларга нисбатан бундай юксак эътибор, ҳар бир қаламкашни илҳомлантириши, бор имкониятларини тўла намоён этишга ундаши табиий.

Давр талабларини тез илғаб олувчи, умр боқийлигини таъминловчи, жуфтлик завқини тараннум этувчи "Оила ва жамият"ни бугунги самимият ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ**



Мен қатор йиллардан буён маҳаллада хотин-қизлар қўмитасининг раиси сифатидаги фаолиятимда кўп миллатли фуқароларимиз ҳаёти билан боғлиқ муаммолар ечимини севимли газетам «Оила ва жамият»дан топаман ва албатта ҳар сафар ижобий натижага эришиб келаяпман.

Маҳалламиз ҳамиша гавжум. Айниқса, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси газета келадиган кун эмасми, кечгача газетани қўлма-қўл қилиб мазза қилиб ўқишади. Катталар газета ўқишса, фарзандлари ёнма-ён стол тенниси, шашка-шахмат ўйнашади. Вақтларини ҳеч қачон бефойда ўтказишмайди.

Фарғоналик бир яқин дугонам йиллар давомида фарзандсизликдан азият чекди. Бола боқиб олай деса, эри унамайди. Фарзандсиз унга ҳаётнинг қизиғи йўқ эди. Шундай кунларнинг бирида газетани варақлаб туриб, аёли вафот этган бир хоразмлик кишининг 3 та боласи билан қийналиб қолгани, уларга она меҳри кераклиги ҳақида ёзилганини ўқиб, таҳририятга қўнғироқ қилди ва улар тез кунда бир-бирлари билан топишишди.

Айни кунда бу оила бахтли ҳаёт кечиришаяпти. Бир қизини турмушга бериб, бувижон ҳам бўлиб олди. Фарзандлар ҳам ўз оналари тирилиб келгандай хурсанд.

Бир куни хонамга йиғлаб келган ёш жувон эри алимент бермай, 3 та боласи билан қийналиб қолаётганидан куйиниб гапирди. Унга газетада чиққан бир қанча инсонлар тақдири ҳақидаги воқеалардан айтиб бердим. "Сабрнинг таги олтин", дея анча суҳбатлашдим. У ҳовуридан тушгандай бўлди. Мен унга тезда "Ўқув маркази"га бориб ўқишини, дипломли бўлгач, ўз йўлини топиши осон бўлишини айтдим. У компьютер сабоқлари ва бухгалтерия ҳисоб-китоби курсини тугатиб, диплом олди ва айни кунда нуфузли бир ташкилотда ишлаб, фарзандларини бировга муҳтож қилмай тарбиялаяпти.

Хуллас, эзгу ишларимизнинг ҳамма замирида "Оила ва жамият"нинг ўрни, аҳамияти жуда катта бўлаяпти.

***ҚУТЛОВ!***

*Маҳаллалар таянчи, оилалар қувончи*
*Замон билан ҳамнафас "Оила ва жамият".*
*Орзиқиб хўп кутамиз, ўқиб мазза қиламиз,*
*Нашрларнинг аълоси "Оила ва жамият".*

*Ҳар саҳифанг ўзгача, қиёси йўқ нашрсан,*
*Минг-минглаб мухлисларнинг қувончи, шодлигисан.*
*Қутлуғ бўлсин байраминг, катта довонлар ошгин,*
*Сенга мадад ва омад, "Оила ва жамият".*

**Тиловат СОАТОВА,**
**Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани,**
**Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла**
**хотин-қизлар қўмитасининг раиси.**

---

Менинг суянчиғим, маслаҳатдошим, йиғласам кўз ёшларимни артувчи, қувонсам бирга қувонувчи, бирор жойим оғриса, малҳам тайёрлашни ўргатувчи, гўзаллик сирларидан бохабар этувчи, янгиликларни етказиб турувчи, тушунмаганимни тушунтирувчи, борингки, орзу-умидларим, мақсадларимга оз бўлса-да, ўзининг зукколиги, талабчанлиги, эътиборлилиги билан ўз ҳиссасини қўшувчи дўстим бор. У "Оила ва жамият" газетаси! Ҳар сафар унинг янги сонини интиқлик билан: "У мен учун яна қандай ибратли ҳаёт сабоғини ўргатмоқчи. Юрагим қатидаги яна қандай дардларимга даво бермоқчи?" - деб кутаман. У умидсиз кўнглимга умид учқунларини сочди. Тўғри йўлга бошлаб, қалбимнинг жароҳатига шифо бўлди. У менинг қайта ҳаётга қайтишимга далда берди, ўзимни ўзимга қайтариб бериб, фақат олдинга олға интилишимга туртки бўлди. Ўзгаларнинг кўнглини олишимга сабабчи бўлди.

"Оила ва жамият" менинг энг севимли, муҳаббатимга сазовор бўлган газетадир. Газетани ҳар сафар почта-газета дўконларидан ёки устозимдан олиб турардим. Нима бўлди-ю, газетани шу йилги 24-сонини олишга улгуролмай қолдим. Тўғриси, почтага келганлари ташкилотларга тарқатилган, газета дўконларидагиси эса бир кунда тугаб кетганди. Мен эса уни излашда бўш келмадим. Уни роса бир ҳафта қидирдим. Сўрамаган, илтимос қилмаган одамим қолмади. 23-июн куни тонг саҳар газета излаб яна кўчага чиқдим. Тасодифни қаранг, қаршимдан бехосдан Маша опа чиқиб қолди. "Ахир ўтган куни сўрагандим, яна сўрасам қандай бўларкин?!" деб яна Маша опадан бирровга ўқиб, қайтариб беришни илтимос қилиб газета сўрадим. Бу сафар у киши "йўқ", деёлмай, олиб чиқиб берди. Мен газетани олганча "раҳмат" демай уйга югурдим. Ана шунда бу газетанинг мен учун қанчалик улуғ, қадрли эканлигини кўнглимдан кечирдим.

**Нафиса СУЛТОН,**
**Қарши шаҳри.**

---

Мана, 8 йилдан бери "Оила ва жамият" менинг энг садоқатли ҳамроҳим. Янги сонини олганимда зўр қизиқиш, ҳаяжон билан варағини очаман. Босилиш усуллари ҳам ўқишга жуда қулай, ҳарфлари майда эмас, баъзи пайт бемалол кўзойнаксиз ҳам ўқиш мумкин. Баъзи рангли нашрлар ўқишга жуда ноқулай, кўзни чарчатади. Газетанинг нуфузини турли рангли бўёқлардаги кўриниши эмас, ундаги халқнинг дарди билан ҳамнафас бўлган мавзуси белгилайди. "Оила ва жамият" ана шундай ўз мухлисларининг қалбидан аллақачоноқ жой ола билган, энг севимли нашрлардан биридир. У ҳамиша оддий халқ билан бирга, уларни эзгуликка чорловчи маслаҳатгўйидир. Таниқли хонанданинг нечта машинаси борлиги-ю, навбатдаги хонанданинг эридан ажрашганини (турмушидан ажрашган хонандалар сони 101 дан ошди-ёв!) халққа достон қилишдан не фойда?

Газетанинг яна бир эътиборли томони шундаки, ҳаётнинг аччиқ зарбаларига дуч келган ёки тўғри йўлдан адашган қай бир инсоннинг кечинмалари баён қилинса, бошқалар унинг дардига малҳам бўлишади, шу мавзуга доир ўз фикрларини ҳеч кимдан аяшмайди.

"Оила ва жамият"нинг 15 йиллик тўйи арафасида таҳририятга боришни ният қилганман. Чунки 15 рақами мен учун энг севимли ва омадли рақамдир. Ўзим 15 майда туғилганман. Катта ўғлимнинг бахт тўйи ҳам ойнинг 15 рақамида бўлиб ўтган. Бош набирам, қизим ҳам ойнинг 15-кунида таваллуд топган. Буларни яна ҳам давом эттириш мумкин.

**Пардабой ҚУЛАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Жарқўрғон тумани,**
**"Хўжақишлоқ" маҳалласи.**

---

Мен 49 ёшдаман. Беш нафар фарзандим, беш неварам бор. 32 йил туман Марказий кутубхонасининг болалар бўлимида ишладим. Шунингдек, хўжалигимиз хотин-қизларига елкадош бўлиб фаолият кўрсатдим.

"Оила ва жамият" нашр этила бошлаганига 15 йил тўлган бўлса, мен унинг ҳар бир сонини янги нашрдек кутаман. Чунки бу газета нафақат менинг ҳаётим, балки қанчадан-қанча оилалар дардига дармон бўлмади, дейсиз.

Газетани оиламиз даврасида яқин инсон билан учрашгандек севиб ўқиймиз ва муҳокама қиламиз. Фарзандларимнинг оиласи ҳам тинч-тотув. Чунки улар қайнона ва қайнота, қайнука, қайнопа, қайнсингил, овсинларга қандай муносабат-муомала қилишни билишади. Буларни уларга "Оила ва жамият" кўпроқ ўргатди, деб биламан.

Хўжалигимизда мабодо қай бир оилада жанжал бўлгудек бўлса, фаол сифатида бориб ана шу газетадаги мақолалардан мисол келтираман. Ҳатто керак бўлса, жанжаллашган томонларга газетани ўқитаман ҳам. Кейин сезаман, шу оила мустаҳкам ва тотув бўлиб бораяпти. Бундай мисолларни кўплаб кўрсатсам бўлади. Хуллас, севимли газетамнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳар қанча сўзласам камлик қилади.

**Зулхумор ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пайариқ тумани,**
**Янгиобод ш/х,**
**Кўпаки қишлоғи.**

---

Ёшим 17 да. Икки йилдан буён "Оила ва жамият" менинг доимий ҳамроҳим, ҳамнафасим. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман ва меҳр ила ўқийман. Севимли газетамнинг нурли саҳифалари шоу бизнес оламидаги турли хил олди-қочди хабарлари, бўлмағур рекламалари билан банд эмаслиги мени беҳад қувонтиради.

Рўзномани ўқий туриб, юртимизда меҳр-оқибатли, эзгу ниятли, саховатпеша инсонлар кўплигидан қувонсам, бахтини топа олмаётган кемтик қалблар тақдирини ўйлаб куюнаман. Икки йўл орасида қолиб қийналаётган, не қиларини билмай, боши қотган инсонлар дардига малҳам, ғамларига шерик бўлгим келади. Бундай хислат менга "Оила ва жамият"дан ўтган десам асло хато бўлмайди. Сабаби "Оила ва жамият" зулматни ёритган машъала, шикаста юракларга даво, яхши-ёмон кунларда содиқ дўст, қайғули онларда ҳамдард, бахтиёр дамларда ҳамроҳ республикамиздаги ягона нашр десам сира муболаға бўлмайди.

Севимли газетам инсонларни эзгуликка чорлашдан, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашга ундашдан ва муҳими - мухлислар дилига нур бўлиб кириб, қувонч бахш этишдан ҳеч ҳам толма!

Қутлуғ 15 ёшинг билан чин дилдан муборакбод этаман.

*Истиқлолга тенг эрур муборак ёшинг,*
*Хаста юракларга шифо меҳр қуёшинг.*
*Асло эгилмагай бу мағрур бошинг,*
*Яхши-ёмон кунимда ўзинг мададкор*
*"Оила ва жамият" омад бўлсин ёр!*

Ҳар пайшанбани ва сенинг ҳар бир янги сонингни соғинч ва интизорлик ила кутиб қолувчи ашаддий мухлисанг

**Сарвиноз ҚУРБОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қамаши тумани, Ногаҳон қишлоғи.**

# КАСАЛ ТИШНИ ДАВОЛАШ МУМКИН

Хонага кириб келган 65 ёшлардаги киши мухбирларнинг қайси бирига мурожаат этишини билмай, бироз саросималаниб турди.

**- Ўтиринг, - деб стулни кўрсатдим. У кўтариб олган халтасини тиззасига қўяркан, ўнғайсизланиб атрофга қаради.**

**- Тинчликми, ака? Нима масалада келувдингиз? - сўрадим унинг оппоқ сочлари эътиборимни тортиб.**

- Шу... Дардимни айтсам... Бирор маслаҳат берасизларми,-деб... - чайналди акахон, сўнг дилидагини тилига чиқарди.

- 5 қиз, 2 ўғлим бор. 4 қизимни узатиб, бир ўғлимни уйлантирганман. 2 фарзандим олийгоҳларда ўқишади.

**- Бахтли экансиз-да!**

- Уф! Қайда ўзи ўша "бахт" деганлари? 40 йилдан буён битта хотин билан тураман. Лекин у қонимни ичди. Чидаб келаётувдим. Газетангизда мен каби "ичи куйганлар"нинг тақдири ҳақида ўқиб, шу ёққа келавердим.

**- Демак, бахт излаб йироқдан келибсиз-да?!**

- Иб-э! Сабрнинг ҳам адоғи борку, ука! Шунча боласининг тўйини қилиб берган бўлсам... Уларни ўқитган бўлсам. Ахир манам дунёга бир марта келаман. Яхши яшашим керак-ку!

**- Янга дунёга икки марта келармиканлар?**

- Шу бир мартасида ҳам у кўпчиликни адо қилди.

**- 40 йиллик хотинингиз бўлса... 7 та фарзандингиз бўлса... Хотинингиз ёмон экан, болалар қаёқдан пайдо бўлди?**

- Хотинимнинг таниши эмасмисиз мабодо? Кўп ёнини олаяпсиз-да!

**- Энди ҳақиқатнинг "бурови" қаттиқ-да.**




- Тўғри айтасиз, илгари хотиним яхши эди... Кейинчалик: "Ишлаб пул топинг, Россияга боринг, Кореяга боринг", деб одамни эзворди. "Пул топиб келинг", деб жавраргани-жавраган.

**- Нима, топиш-тутишингизнинг "чўғи" камми?**

- Олий маълумотлиман. Идора ишида ишлардим. Энди... Ҳамма қатори маош билан 7 болани боқдим. Охирги пайтда ер олиб, деҳқончилик қилаётувдим... Фойдаси чиққунча сабри йўқ-да, бу хотиннинг. Менга билдирмай, ўзи ҳам ишга кириб олибди...

**- "Эр-хотин - қўш ҳўкиз" деган ҳикмат қадимдан қолган, ахир! Ундан кейин ўғил, қизлар ҳам кўлтиғингизга кириб қолишибди. Рўзғорнинг бир томонини улар ҳам кўтаришаётгандир? Омад кимнингдир ёнида юради, кимнингдир ортида. Барча эр-хотинлар етишмовчилик деб, қуда-андалик бўлганда ажрашиб кетавериша... Ҳамма ўзи учун яшашни ўйласа... Буёғи қандай бўлади?! Дарвоқе, ажрашганмисиз?**

- Йўқ, ҳали. Энди газетангизда ёзилгандай, "бўйимга яраша бўй, кўнглимдай кўнгил топсам..." деганларни бир кўрсам деб...

**- Эҳ, акажон-ей, бу ер бозорми-дики, танлаб-танлаб "янгиси"ни оласиз-у, уйдаги "эскиси"ни ташлаб юборасиз? Бу ерга турмушидан қонуний ажрашган, бир жуфти ҳалолга муҳтожлик сезганлар мурожаат қилишади. Сизда эса бунга эҳтиёж йўқ экан. Жаҳл устида "минг йиллик" қадрдонингиз - ярмингиздан воз кечмоқчисиз, унга алам қилдирмоқчисиз. Аслида сиз узр, ёшингиз улуғ бўлса-да, айтишга мажбурман, бу аҳдингиз билан "борлиғингиз"дан, фарзандларингиздан жудо бўлиб қолишингизни ҳис қилолмаяпсиз. Афсуски, қизлар отасини барчадан қизғанишади. Онаси тирик туриб, сиз бировга оғиз солган кун бу қақажон - меҳрибонларингиздан айриласиз...**

- Нима қилай унда?

**- Бахтни ўз оилангизда ўзингиз яратинг. Хотинингизнинг ҳам қалбига қулоқ солинг. Дардингизни аёлингизга тушунтиролмасангиз, фарзандларингизни, қолаверса, хотинингизнинг қариндошларини ишга солинг. Ахир никоҳдан ўтаётганингизда: "Яхши-ёмон кунни бирга ўтказишга, оғир-енгил юкни бирга кўтаришга..." сўз берган сиз-ку! Аслида ҳеч ким фаришта эмас. Иккинчи марта турмуш қураётганларнинг айримлари демасак, кўпчилиги кўчадан қидирган "бахт"ни ўз оиласида яратмаганларига афсус қилишади.**

Эркак ўз ташрифидан мулзам бўлгандай, ерга қараганча бошини сарак-сарак қилди-да:

- Тўғри гапнинг тўқмоғи борлиги рост, ука. Энди "бир кўрай-чи" девдим-да. Хафа бўлмайсизлар.

* * *

**Акахонни кузатиб қоларканман: "Наҳотки, оилани таваккалчилик билан қуриш мумкин?" деган фикр кўнглимдан ўтди. Қимирлаган тишни суғуриб ташламасликнинг иложи йўқ. Аммо касалланган тишни даволаса бўлади-ку! Нима дедингиз?**

Санобар ФАХРИДДИНОВА

---

Қўнғироқларингиз...

# САБРдандир унинг кўйлаги

- Менинг дил изҳоримни "Қўнғироқларингиз", "Ташрифларингиз", саҳифасига чиқарсангиз, деган илтимос билан қўнғироқ қилаяпман,- дея сўз бошлади қўнғироқ қилаётган аёл.

**- Албатта, гапираверинг.**

- Ўн йилдирки, тўшакдаман, 1-гуруҳ ногиронимаn. Бўғинларим касал, имкониятларим чегараланган.

**- Ёшингиз нечада, ким билан турасиз?**

- Ўғлим икковимиз яшаймиз. Ёшим 50 дан ошди. Қизимни узатганман. Ўзим олий маълумотли педагог эдим. Олийгоҳда дарс берардим.

**- Бу дардга қандай йўлиқиб қолгансиз?**

- Умр бўйи азобда яшадим. Болалигим ўгай онанинг қўлида ўтди. Вақти келиб турмушга чиққандим, эрим ичадиган инсон бўлиб чиқди. Бир ўғил, бир қиз орттирдик. Қайнотақайнонам ўғлининг бетайинлигига чидолмай бизни уйдан чиқариб юборишди. Ўқитувчилик маошини йиғиб-йиғиб неча йил деганда "дом" олдик. Хуллас, эримнинг ичкиликбозлигидан биримиз икки бўлмади. Ахири шу ароқхўрлиги сабаб, оламдан ўтди. Болаларимни ўзим боқиб катта қилдим. Мана ҳозир қизим оилали, невараларим бор. Ўғлим 30 ёшга кирди. Биласиз, қиз чиқариш қийин. Қизимнинг тўйи деб, иложсиз уйимни сотдим. Яна йиғиниб, уй оламан деганимда бу дардга чалиндим.

**- Ҳозир қаерда яшаяпсиз?**

- Укамнинг ҳовлисида ўғлим иккаламиз турамиз. Бир қадам ҳам юролмайман, қўлим фақат ручкани ушлай олади.

**- Ўғлингиз сизга ёрдам берадими?**

- Ҳа, шу-да, менинг қўл-оёғим. Бир дақиқа ҳам олдимдан кетолмайди.

**- Ҳали уйланмадими?**

- Уйланишга пул қани? Шунинг учун ҳам қўнғироқ қилгандим. Бу газетани минглаб инсонлар ўқийди. Юртимизда саҳоватпеша инсонлар кўплигига ишонаман. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да мен билан ўғлимга бирор бир имкониятимиз даражасидаги иш топиб беришса.

**- Қандай ишни назарда тутаяпсиз?**

- Уйда қилинадиган иш. Биласизми, ўғлим ақлли, ниҳоятда тиришқоқ бола эди. Мен туфайли ўқий олмади ҳам, ишлай олмади ҳам. Чунки бир одам доим ёнимда бўлиши керак. Ўғлим ичмайдиям, чекмайдиям. Аммо сиқилади, биламан. У мен учун ҳаводек зарур. Лоақал қўлларим ишлаганида эди.

**- Нафақа оласизми?**

- Ҳа, маҳалладан ҳам ёрдам бериб туришади. Ток, газ тўловларимиздан қийналяпмиз.

**- Опажон, сизни тушундим. Албатта, имкониятлари кенг, савобталаб юртдошларимиз бисёр. Улар сизга кўмак беришидан умидвормиз. Ҳали тўйлар қиласиз, келин хизматингизда бўлади. Ўғлингиз ҳам бемалол ишга бориб-келиб юриб, сизга маошини олиб келадиган бўлади. Ахир онасига бунчалар меҳрибон, ақлли фарзандга албатта яратганнинг атагани бор.**

- Айтганингиз келсин. Мен "Оила ва жамият"ни ҳар доим ўқиб бораман. Қани оёқларим юрса эди, сизлар билан бориб дийдорлашсам.

**- Дийдорлашиш ўғлингизнинг, невараларингизнинг тўйларида насиб этар.**

- Раҳмат, раҳмат, мақолани интизорлик билан кутаман. Зора яхшилар сўраб қолса манзилимни берарсиз.

**- Хўп, хайр.**

***Гўшакни қўяркан, юрагимни алланечук маҳзунлик чулғади. "Тош қаттиқми, ё бош?" - деб сўрашганида: "Бош", деб жавоб берганлар минг карра ҳақ экан. Яна мени ҳайратлантирган нарса шу бўлдики, онахон шунча дардини сўзлаб берди-ю, бир марта ҳам кўз ёш қилмади, нолимади. Нафақасига яшаётган бу аёлнинг дори-дармонга, егуликка ва яна қанчақанча нарсаларга маблағи етмаслиги аниқ. Лекин у андиша қилдими, орияти устунлик қилдими, бу борада гапирмади. Моддий ёрдам эмас, ўғлига иш сўради, холос.***

**ҚАДРЛИ ВАТАНДОШ! Агар бу ўксик кўнгилли онаизорнинг қалбига малҳам бўлишни истасангиз, таҳририятга: 134-25-46 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.**

Матлуба ШУКУРОВА

---

# БИЗНИ БЎЛИБ ОЛИШАДИ...

Йўл-йўлакай суҳбат

Бир танишимнинг мерос масаласи ҳақидаги судида гувоҳ бўлиб қатнашиш учун фуқаролик судига бордим. Вақт ҳали эрта бўлгани учун бир четдаги дарахт остига бориб кутиб ўтирдим.

Ёнимда эса иккита болакай машиначаларини ванг-винг қилиб ерга босишарди.

Биттаси машиначасига қум солиб, юргиза бошлади. Иккинчиси эса жим қараб турарди.

- Сен ҳам машинангга қум солмайсанми? - дедим унга.

- Йўқ, машинамни кир қилсам бувим уришади, - деди у.

- Бу ерга нега келдинг? Боғчага бормадингми? - деб сўрадим ундан.

- Ҳозирча бормай турарканман. У ердан дадам олиб кетиб қолар экан...

- Ахир бирга турмайсизларми?

- Дадам билан ойим уришиб қолишди, бувимникига кетдик...

Ҳозир дадам билан ойим иккаласи ичкарида жанжал қилишвотти. Ана, бувим ҳам шу ерда ўтирибди,-деди у қўли билан курсилардан бирида ўтирган аёлни кўрсатиб.

- Биласизми, ҳозир-чи, бизни бўлиб олишаркан,-деди иккинчи бола.

- Дадам: "Болаларим мен билан яшайди. Сен бозорда юриб болаларнинг тарбиясини бузасан»- дейдилар. Ойим эса: "Пул топсам бўлди, боғча опалар тарбиялайверади", - дейдилар.

- Даданг ишламайдими? - деб сўрадим ундан.

- Троллейбус ҳайдайдила. Маза, мени ҳам бирга олиб юрганлар, - Баҳромжон шундай дея тепага қаради.

Тепадаги суд залидан онасининг овози эшитиларди чоғи.

- Ана, ойим гапираяпти, эшитдингми?-дея улар ичкарига югуриб кириб кетишди. Бироздан сўнг яна хомуш қайтиб чиқишди.

- Биз бу жойга кўп марта келганмиз, - деди Комилжон.

- Дадангиз билан яшашни истайсизми ёки ойингиз биланми? - сўрадим ҳар иккаласидан.

- Ойим билан ҳам, дадам билан ҳам яшашни истаймиз. Улар эса...

Шу пайт ичкаридан шовқин солган аёл ва эркак чиқиб қолишиб, суҳбатимиз узилди.

Улар бир-бирларини ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишарди. Комилжон билан Баҳромжон уларга жавдираб қараб туришарди.

Она келиб ўғилларидан бирининг қўлидан етаклаб нарироқда ўтирган онасининг ёнига кета бошлади. Иккинчиси улардан сал берида жимгина турарди.

- Хайрият, ажратишди. Ҳозирча Баҳромжон мен билан қолди. Комилжонни эса унга олиб беришди. Бир қийналсин!- деди аёл онасига.

Эркак эса титроқ қўллари билан сигарета тутатишга уринар, аммо эплай олмасди. Ҳалиги басавлат кампир билан аёл Баҳромжонни етаклаб кета бошлашди. Комилжон ҳам улар ортидан эргашди. Буни кўрган кампир ўшқирди:

- Ҳой, тўхта! Бор, ана, отангнинг ёнига бор. Сени у боқади,- деди.

Баҳромжон эса орқасига қарай-қарай акаси ва отасидан узоқлашиб борарди.

ГУЛБАШАКАР

# КЕЧИРИМЛИ БЎЛИНГ, ИНИМ

*“Юрагимда оғриқ бор, армон бор” - 25-сон.*

**ЭСЛАТМА: Ёшликда қилган хатоим туфайли ўғлим мени кечирмаяпти. Чунки мен уни ташлаб кетгандим. Ҳозир катта лавозимли, обрўли инсон бўлса-да менга ёрдам бермаяпти. Муросага келолмасак суд орқали даволанишим учун пул ундиришга мажбурман.**

**Муаллиф: ГУЛБАШАКАР**

Мақолани ўқиб, юрагим музлаб кетди. Ўғилга меҳр бермаган ота ўғлини судга беришдан ҳам тап тортмаяпти.

Иккинчи отасидан меҳр кўрган иним! Тўғри, сизга осонмас. Ўз отангиз ҳар ойига ўн баравар алимент тўлаганда ҳам у сизга меҳр деган баҳоси йўқ неъматни бермаган. Энди эса у сиздан меҳр истаяпти, ёрдам сўраяпти. Лекин кўнглимда минг оғриқ билан тан олиб айтаманки, сиз шу ота туфайли дунёга келгансиз. Жон иним, сиз оқибатли бўлинг. “Биров сизга тош отса, сиз унга нон отинг”, деган мақоллар айни ҳақиқат. Агар бу мақолларда ҳақиқат бўлмаганда, асрлар оша улар яшаб келмас эди. Инсон фақат ҳалол меҳнат қилиш, атрофдагиларни ҳурмат қилиш билан эмас, кечиримли бўлиш билан ҳам обрў орттиради, ўз ҳаётини нақшлайди. Сиз кейинги меҳрибон отангизни юзига оёқ қўймайман, деб бемор бўлса ҳам ўз отангизни даволатишдан бош тортсангиз, ҳеч ким сизга раҳмат айтмайди, аксинча, даволатсангиз, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўласиз. Кейинги отангизга келсак, сиздай бир кўнгли ўксик гўдакнинг кўнглини топиб, меҳр кўргизиб, тарбия бериб вояга етказиш учун оғринмабдими, демак, шу тарбия маҳсули сиз ҳам бағрикенг инсонсиз.

Ойбекдек машҳур олим ва ёзувчи ҳам унга номардлик қилган кишини нафақат кечиради, балки ўша одамнинг илмий ишини юришиб кетиши учун бошқа олимлардан ёрдам қилишини сўрайди. Мана, чинакам бағрикенглик! Ҳазрати Навоийнинг мана бу сатрлари Ойбекнинг қон-қонига сингиб кетганлиги аниқ:

***Навосиз улуснинг навобахши бўл,***
***Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.***



Ўзбекман деган ҳар бир эркак ва аёл буюк Навоийнинг ҳадисга айланиб кетган ана шу байтини ёд олиб қўйса қанийди...

Иззатли иним, сизга ва бошқа барча ёшларга тилакларим:

Аввало, бир-бирингизни яхши билиб, ўрганиб турмуш қуринг. Келгуси ҳаётингизнинг пойдевори - ширindан-шакар оилангизни бежанжал асранг. Шунда сиз кўнгли бутун, бағрикенг, меҳнатсевар, валломат фарзандлар ўстира оласиз.

Мен сизларга ва отасини кечириб даволатишга рози бўлган инимга кексаликда ҳавас қилгулик обрў-эътибор тилайман.

**Сайёра БЕКМИРЗАЕВА**

---

Акс-садо

# ОНАНГИЗГА БАХТ ТИЛАНГ

*“Йиллар бўйи кутган эдим” - 27-сон*

**ЭСЛАТМА: Бир куни эрим маст ҳолда келиб ётди-ю, қайтиб турмади. Орадан вақтлар ўтиб эримдан кўрмаган меҳр-эътиборни бошқа кишидан кўрдим. У менинг қўлимни сўраб келди. Фарзандларим буни тушунишармикан. Қандай йўл тутсам экан.**

**Муаллиф: А. БЕКМУРАТОВА.**

Мақолани ўқиб, Нурсулув опага рости ачиндим. Биз ўзбекларда ор-номус, ибо-ҳаё, ота-онанинг сўзини икки қилмаслик каби тушунчалар қон-қонимизга сингиб кетган.

Энди Раҳмонали акага келсак, у киши мард инсон экан, ҳар ким ҳам қила олмайдиган савоб ишни у киши амалга оширмоқчи бўлибди. Нурсулув опа сиз иродали аёлсиз, зеро ўз туйғуларини, орзуларини бевақт хазон қилиб отани рози қилиш ҳозирги ёшларнинг қўлидан келмайди.

Сиз ўкинманг, бахтингиз учун курашинг. Муҳаббат энг олий туйғу, уни хор қилганларни Худо ҳам кечирмаган. Чинакам муҳаббат синови сизга ҳақиқий бахтни ато этса не ажаб. Сиз айб иш қилганингиз йўқ, ҳеч қачон иккиланманг, қалбингизга қулоқ солинг.

Энди фарзандларингизга келсак, тўғри, улар бу ишни ўзлари учун ижод деб биладилар, аммо, бир-икки кишининг бўлар-бўлмас гапини деб бир инсон ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилмай ўтиши—бу гуноҳ. Шундай экан сиз доимо олға қадам босинг ва у киши билан бахтли бўлишга интилинг.

Энди фарзандларига икки оғиз сўзим бор... Сизлар онангизнинг бахтига, роҳатига тўсиқ бўлманг, наҳотки онангизга ҳаётда етиша олмай қолган армонлари рўёбини раво кўрмасангиз. Онангиз бир умр дардини ичига ютиб сизни ўстирди. Энди қариган чоғида суянчиғини топганда биргина умидига сизнинг қаршилигингиз ноўрин, ҳатто ҳаққингиз ҳам йўқ. Аввало онангизнинг сиздан ёши улуғ, ҳаёт тажрибаси сизга нисбатан анча кўпроқ. Ота-оналаримиз кексайган чоғларида кўпроқ бизга эмас, ўз жуфтларига суянадилар.

Тўғри, сизларнинг эл олдидаги қадрингиз букилиши мумкин. Аммо кераксиз ғийбатларга ишониб, фарзандлик бурчингизни унутиб қўймасангиз бас. Агарда онаизорингизга шу бахтни раво кўрмасангиз, унинг мунгли, меҳрга ташна қалбини тўлдирмасангиз, сизнинг бир умрлик хизматларингиз, онангизга ҳурматингиз Аллоҳ даргоҳида ижобат бўлмайди.

Сиз фақат ўзингизни ўйламанг. Миш-мишлар сизнинг саволли ишингизга таҳдид қилмасин. Яна ўйлаб кўринг, онангиз сизга тилаган бахтни сиз онангизга тилай олмайсизми? Жамиятнинг қора томонларидан қўрқиб яшаманг. Сиз эришган бахтнинг озгинасини онангизга раво кўрмасангиз, жуда бағритошлик қилган бўласиз. Онангизнинг ҳар қандай ишини хато деб хисоблашга шошилманг ва ўйлаб кўринг



**Зебунисо БОЙМАТОВА,**
**Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Иқтисодиёт коллежи кутубхонаси мудираси.**

Нурсулув опа кўнглига ёққан инсонни кеч бўлса-да, учратибди. Ўз ҳурматига, ўз ўрнига эга одам экан.

Раҳмонали ака билан Нурсулув опага фарзандлар яхши тилак билдириб, оила қуришларига ижозат беришсин. Она ҳам ўзи уйчан яшасин. Икки ёрти бир бутун бўлиб, умргузаронлик қилишса, шунда қалб кемтиклиги тўлиши мумкин. Қуда-анда, маҳалла-кўй ўз йўлига, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди дунёни. Ҳар ким бу дунёга бир маротаба келади. Ҳеч ким бу бевафо дунёга устун бўлолмайди. Ҳар ким ҳам бахтли бўлишни, ким учундир суюкли бўлишни истайди. Кўнгли ярим, бахти ярим аёл қайсидир хонадонни чироғини ёқса, бекаси бўлса буни нимаси ёмон? Ҳамманинг чироғини ёруғи ўз уйига тушади. Ёлғиз аёлни ёлғизлик бошига тушганлар билади. Қўйинг, қайта турмуш қуриб, балки бахтини топар, овуниб яшар у аёл ҳам... Ўтганлар қайтиб тирилиб келмайди. Тирикларни қадрлаб яшашга интилиш зарур, деб ўйлайман. Ёши катталарни ҳам англаш, тушуниш керак, деб ўйлайман.

**Машҳура ИСОҚОВА**

---

# ЮЗГА БОҚМА, ДИЛГА БОҚ...

*“Бир чимдим меҳр истагандим” - 44-сон,-2005-йил*

**ЭСЛАТМА: Бегона аёл туфайли бахтим ярим бўлганда, мен жонсиз ҳайкалга айланган эдим. Эрим мени қанчалар хўрласа-да чидадим. Чунки уни севардим. Жиноятга қўл уриб, қамалганини эшитиб, бир кўнглим уни тезроқ озодликка чиқишини истаса, бир кўнглим ҳеч қачон чиқмаслигини истайди.**

**Муаллиф: Зулфия САМАДОВА.**

Дилсўзнинг изтиробларини ўқиб, жуда ҳам таъсирландим. Қаранг, аёл қанчалар сабрли, заифа бўлса-да, тоғдек бардошли!

Мен билан бирга мақолани ўқиган қўшни аёлларга ҳам Дилсўзнинг бошидан кечирган машаққатлар қаттиқ таъсир қилди. Фикр билдиришди.

- Бошимдан кечган ва ҳозир ҳам аросатда яшаётган ҳаётим ҳақида ёзсангиз, - деди бир келин. Эримни ёмон демайман, аммо... Ҳаётимиз ҳозир ҳам омонатдек. Эрим билан бир-биримизни ёқтириб турмуш қургандик. Ҳали-ҳанузгача ота-онамга турмушдан шикоят қилмайман. Эрим икки боласи билан ажрашган. Боиси, хотини уни бор давлатини бир кечада ўғирлаб (менимча, эр-хотин уришиб қолгач), ота-онасини уйига кетиб қолади. Кўп ўтмай, акаларига машина олиб беради.

Фарзандим бўлмагани учун турмушим бўлмаган. Эрим қонуний ажрашиб, менга уйланди. Ҳомиладор бўлдим. Ҳомиладорлигимнинг сўнгги ойида ҳеч нарса бўлмагандек, кундошим пайдо бўлди. “Болаларим хор бўлибди, хотиним тавбасига таянган, кел, шуларга жой топгунча бизникида яшаб туришсин”, - деб эрим ялинди. Рози бўлмадим. “Сен ҳам бўлажак онасан-ку, наҳотки болаларимга раҳминг келмаса?”-деб эрим болаларини уйимизга етаклаб келди. Уч хонали уйнинг бирига жойлашган кундошим уч кун ўтмай қиёмат жанжал қилди! Ҳар куни уриш-жанжал. Қайнона-қайнотам воқиф бўлиб, “зудлик билан уни ҳайдаб юбор, ахир уч талоқ қилгансан, кетган молинга ачинмасанг, жонингга жабр қилма”, деб ўғлига зорланишди. Эрим: “Мени “оқ” қилсангиз ҳам, болаларимдан кечмайман”, деб туриб олди. Менга: “Хотиним келганини ҳеч кимга айтмайсан”, деб шарт қўйган. Эримни кундошим билан уйда қолдириб, ортимга қарай-қарай касалхонага кетдим. Ўлим билан олишдим. Туғиш бир ўлиб тирилиш бўлса, Аллоҳ паноҳида асради. Ўғилчам туғилди. Аммо, туғруқхонада ҳам ортда қолган эримни, кундошимни ўйлаб жудаям сиқилдим. Сутим келмай қўйганини кўрган шифокорлар эримни бундан хабардор қилишди. Эрим бўлса, “ўзингга қара, тағин боланг отасиз қолмасин”, деб қўрқитарди мени. Охири, ҳамма гапни онамга айтдим.

Икки ой деганда, ота-онам келиб, кундошимни уйдан ҳайдаб чиқаради. Эримга “ё мени, ё уни танланг”, дедим. Рост-да, уйини тоза тутсам, эгнини тоза тутсам, овқат тайёр бўлса, нега яна мени ва норасида боламни хўрлайди? Ахир, собиқ хотинидан хиёнат кўргач, ажрашгандику?! Эркаклар ҳам лафзи ҳалол, мард бўлса деймиз. Шунга айтаркан, юзга боқма, дилга боқ, ичидаги танга боқ, деб.

Албатта, бировнинг оиласи қоронғу ўрмон. Қарс эса икки қўлдан чиқади. Лекин, яхши хотин эрни эр қилади, ёмони эса қаро ер деймиз. Бугунги кунда аксар ҳолларда рўзғорни юритиш, бошқариш ҳам хотинларнинг зиммасига тушиб қолмоқда. Бунга ким сабабчи? Бир пайтлар осмондаги ойни олиб беришга тайёр эркак эмасми?!

Сиз эркаклар, аёлингизга тоғтоғ ваъда берманг. Оддийгина бахтни беринг, бир чимдим меҳрни, бирозгина ширин сўзингизни ва эътиборингизни дариғ тутманг! Ахир, аёлни жони тошдан эмас, уни орзули кўнгли, кўкси тагида осмондек сабрли юраги бор! Қолаверса, ҳалол лафзи бор! Сизга сиртдан қараганда оддий, арзимас кўринган бу туйғулар аёлингизни ростмана бахтли қилажак!

**Фарида ТОҲИРОВА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ

Азиз ва қадрли онажонимиз Муқаддас ДОНИЁРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз! Бахту саодат ва роҳатимизни кўриб, қувониб юришингизни тилаб қоламиз!

Умр йўлдошингиз Аброр, фарзандларингиз Индира, Бобур, Гулруҳ, Умур. Тошкент вилояти, Қибрай тумани.



Қадрли ЖАМОЛ тоға! Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр, соғлик, бахт-саодат тилаймиз.

Жиянингиз Азизбек Ғанижон тоға ўғли, Сирдарё шаҳри, С. Рахимов ж/х.

Фирмаларга бош ҳисобчи тайёрлайман. Репетиторлик қиламан. ТЕЛ: 397-31-55

**2001 йилда** Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги **22-ўрта мактаб**дан **МАЪРУФЖОН МАЪМУРЖОНОВИЧ МАҲАМАДЖАНОВ** номига ўрта маълумот тўғрисида **O'R-A №115 23 96** рақами билан берилган **ШАҲОДАТНОМА** йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Сирғали туман солиқ инспекцияси томонидан **ДАДАХОДЖАЕВ ВИТАЛИЙ ХУСАНХОДЖАЕВИЧ** номига берилган **18524** - сонли шахсий хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

*Маслаҳатхона*

# ТИШИНГИЗ ДУРДЕК БЎЛСИН!

Баъзан оналар: "Болам туғилди-ю, тишларим тўкилиб кетди", дея нолиб юришади. Бунинг сабаби бор, албатта. Демак, ўша она ҳомиладорлигида касал тишларига етарлича эътибор бермаган. Туғруқдан кейин таннинг заифлашуви оқибатида эса ўша тишлар емирила бошлаган. Доимо соғ-саломат бўлишимизда тишлар соғломлигининг аҳамияти катта эканлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки оғиз бўшлиғи, тиш ва унинг атрофидаги тўқималар ички аъзолар билан чамбарчас боғлиқдир. Тиш хасталикларининг олдини олиш чора-тадбирларини бола туғилмасдан олдин ҳамда туғилгандан кейинги дастлабки ҳафталардаёқ бошлаш зарур. Акс ҳолда касаллик оқибатида кавак бўлиб қолган тишларда микроб кўпайиб, у касаллик манбаига айланади. Сўнг бу микроблар ҳомиладор аёлнинг ички аъзоларида ҳам касаллик қўзғаб, шу аснода боланинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Бўлажак оналар кўпроқ оқсил - витаминли ва минерал тузларга бой овқатларни, олма, анор, сабзи, карам, картошка, лавлаги, сут-қатиқ, пишлоқ ва балиқ истеъмол қилишлари керак. Булар эса тишларнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берувчи асосий моддалар ҳисобланади.

Ҳомиладор аёл кунига тўрт маҳал овқатланиши лозим. Овқатнинг яхши ҳазм бўлиши учун уни шошилмасдан, яхшилаб чайнаш зарур. Боланинг сут тишлари ёриб чиққанидан сўнг уларни овқатланиб бўлгач, оғиз бўшлиғини илиқ сув билан 5-6 марта чайишга, қаттиқроқ овқатларни ейишга ўргатиш керак. Шунда тиш ўз-ўзидан тозаланади, чайнов аппарати мустаҳкамланади, тишда тош тўпланмайди. Шуни унутмангки, оғиз бўшлиғида ҳароратнинг кескин ўзгариши тишга салбий таъсир этади. Масалан, музқаймоқ, муздек қовун-тарвуз ейилгач, иссиқ овқат истеъмол қилмаган маъқул. Она ҳам, бола ҳам ширинликни камроқ ейишлари лозим. Бир суткада ёш бола 60 грамм, катталар эса 60-80 граммдан ширинлик истеъмол қилиши мумкин. Негаки, ноннинг таркибида ҳам, ҳўл мевада ҳам ширинлик бор.

Бола ақлини таний бошлаши билан унга тиш тозалагични ушлаш, тишни тўғри тозалашни ўргатиш керак. Олдинига тозалаш сиқмасисиз тозалагичда, сўнг таъми ёқимли бўлган "Детская", "Буратино", "Красная шапочка", "Чипполино" каби тиш тозалаш сиқмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Одам жисмоний ҳаракатда бўлмаса ўзини ланж сезади. Тиш ва оғиз бўшлиғи тўқималари ҳам худди шундай: овқат тўғри чайналса ва тиш тез-тез ювиб турилса, бу оғиз бўшлиғи учун жисмоний ҳаракат вазифасини ўтайди. Кариес (тиш касаллиги)нинг олдини олиш учун аввало оғиз бўшлиғини озода тутиш лозим. Бунинг учун юқори ва пастки тишларни жипслаштириб, тиш чўткаси билан айланма ҳаракат усулида тозалаш, кейин оғизни чайиб ташлаш керак. Сўнг тиш чўткасини ювиб, яна паста олиб енгил ҳаракатлар билан тишнинг ҳар икки томонидан милкка ўтиш чегарасини яна бир карра тозалаш лозим. Тиш тозалагичларни танлашда унинг жуда қаттиқ ёки юмшоқ бўлмаслигига аҳамият беринг. Яна шуни унутмангки, тишингиз оғриса-оғримаса, бир йилда икки марта ўзингиз ва болаларингизни тиш шифокорига кўрсатиб туринг. Ана шунда тишларингиз соғлом, бақувват, дурдек, садафдек чиройли бўлади.

**Ислом ТУРСУНОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри,**
**"Садаф" тиш даволаш хусусий поликлиникаси шифокори.**

# СУВДА ОҚИБ КЕТГАН ОНАМ

*Туш таъбирномаси*

- Бундан уч йиллар илгари онам қаттиқ бетоб ётарди. Қўл-оёқлари ҳаракатдан тўхтаган, бунинг устига гапиролмас ҳам эдилар, - дейди 25 ёшлардаги йигит оғир хўрсиниб. - Биз фарзандлар ҳам, келинлар ҳам қараб ўтирмай, касал одамга қандай парвариш лозим бўлса, оғринмай бажарардик.

Онам ниҳоятда ақлли, андишали ва меҳрибон аёл эдилар. Биз бирор сабаб билан касал бўлиб ёки қийналиб қолсак, ўзини қайга уришни билмай, аламини йиғидан олар, дардларини бировга касб дастурхон қилолмас, бировс ногоҳ тўҳмат қилгудек бўлса, унга чурқ этмас, туни билан "уф" тортиб, йиғлаб чиқардилар.

Дадам ота-онасига ёлғизгина ўғил бўлиб, яккаю ягона опаси билан ёшликдан тинч ва осуда рўзғорда катта бўлишган, шу боис онагинам: "Овозимни кўтарсам, қайнонам билан эрим хафа бўлишади", дея андиша қилган бўлсалар, ажабмас.

Нима бўлди-ю, онам икки мингинчи йилда оёғи оғриётганини айтиб, дўхтирхонага қатнаб юрдилар. Кўп муолажалар олдилар, фойдаси бўлавермагач, Самарқанд, Тошкент каби катта шаҳарлардаги профессорлар қўлида даволандилар. Онамни текширувдан ўтказган шифокорлар асаб бузилишидан орттирилган хасталик дея ташҳис қўйишди.

Кундан-кунга аҳволлари оғирлашса оғирлашдики, шифо топмадилар. Шу тариқа беш йил тўшакка михланиб қолдилар.

Бу орада кичик акамга келин туширдик. Онам гапиролмасалар-да, нима демоқчи эканликларини кўзларидан билиб олардик. Худонинг кароматими ёки бошқа бир синоатми билмайман, биз тўрт ўғил, икки қиз, келинлар, дадам ҳаммамиз онам билан бемалол гурунглашардик. Ўзлари хаста бўлсалар-да, миялари ниҳоятда яхши ишларди. Телевизордан бирор яхшироқ кўрсатув берилишини эшитиб қолсалар, белгиланган вақтга келиб, аввал соатни, кейин телевизорни имлаб кўрсатардилар.

Биз тез-тез қандай дардимиз бўлса (хоҳ қувончли бўлсин, хоҳ қайғули) келиб, онамга айтиб ўтирардик.

Бир куни кичик акам онамга қараб: "Шу кеча бир туш кўрдим. Узоқ-узоқлардан катта дарё оқиб келаётганмиш. Мен сувнинг бу қадар тиниқлигига, мавжланиб оқишига маҳлиё бўлиб қараб турсам, бир тўда оқ либосдаги аёллар кулишиб, қийқиришиб сувда оқиб келишди. Шунда улардан бири сиз ётган томонга қараб қўлларини силкитган ҳам эдики, мен ҳайрон қолдим, сиз ўрнингиздан чаққон туриб уларга қўшилиб оқиб кетдингиз", - деди кулиб.

Шунда онам шодон жилмайдилар.

Орадан уч кун ўтиб эса... бизни, дадамни, онаси-ю, қайнонасини зор йиғлатиб, онажоним у дунёга равона бўлдилар.

Қаранг, акамнинг тушини эшитиб: "Ниҳоят бу азоблардан қутуларканман", дея жилмайган бўлсалар керак онам.

Баъзан бир туш ҳам инсон тақдирига қанчалик ўхшаш эканлиги қайратимни оширади. Тушлар ҳам гоҳида бу дунёнинг сир-синоатларидан дарак бериши ёш қалбимга умрнинг нечоғлик омонат эканлигини эслатиб туради.

Йигит охирги сўзларини айтаркан, чидолмади, кўзларидан "дув" тўкилган ёшларини артиб, ёнимдан туриб кетди.

**София УЗОҚОВА,**
**Шаҳрисабз шаҳри.**

# СУЯНГАН ТОҒИМ ЭДИНГ!..




Укажоним Олимжон бевақт вафот этди-ю, ҳовлимиз ҳам, кўнглимиз ҳам ҳувиллаб қолди. Унинг аёли ҳам ўғлини бағрига босганича кўзларида ёш ва тубсиз айрилиқ дарди билан бўзлаб қолаверди.

Кетган кетар экану, аммо ортда қолганларга қийин экан. Ҳозир бир пайтлар укажоним, унинг хотини ва онам билан яшаган ҳовлимизда бегоналар яшайди. Чунки!.. Кимнингдир сўзи билан хафа бўлган келин ўз бахтини топган азиз хонадонидан кетди... У бир пайтлар гулу райҳонлар экиб яшнатиб ўтирадиган жойлар қаровсиз, эгасини излагандек хас-хазонлар учади бу жойларда.

Бир пайтлар учиб борадиган ҳовлимизга бугун боришга юрагим бетламайди. Назаримда укам хомушгина бош эгиб, хотини ва ўғлини излаб юргандек туюлаверади. Бу йил 8 август куни укам тирик бўлганида 40 ёшга тўларди. Йигит киши учун 40 ёш... Айни қирчиллаган даври эди-ку!

Олимжон укам биз опаларига меҳрибон, ёлғизгина онамизнинг кўнглига қарагувчи, суянч тоғимиз эди. Аслида онани яратмасин экан! У кўз ёшини ҳеч кимга кўрсатмайди-ю, ич-ичидан куйди, юраклари ўртанади.

Лекин тақдир ёзмиши олдида иложимиз қанча? Йиғлай-йиғлаб яна ўз тирикчилик ташвишларимиз билан овора бўлиб кетаверамиз.

Илоё, жойларинг жаннатда бўлсин, жигарбандим!

*Айриликдан куйдик, укажон,*
*Бевақт ташлаб кетдинг, укажон!*
*Энди қабринг тўла нур бўлсин,*
*Охиратинг обод, тинч бўлсин!*

**Кутбинисо ЖЎРАЕВА,**
**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Ўзингизда ички бир куч, ғайрат сезасиз. Натижада қўл урган ишларингиз ўйлаганингиздан ҳам аълороқ амалга ошади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Янги жамоада ўз ўрнингизни топишга ҳаракат қилишингиз зарур. Топшириқларни ўз вақтида, бекаму-кўст бажаринг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** -Янги ғоялар, янги лойиҳалар билан банд бўласиз. Уларнинг шунчаки қоғозда қолиб кетмаслиги ўзингизга боғлиқ.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ҳафта бошида ишларингиз орқага кетгандек бўлиб, бироз асабийлашишингизга тўғри келади. Молиявий масалаларда ҳам алданиб қолишингиз мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Бепарволик, ўзибўларчилик сизга жиддий панд бериб қўйиши мумкин. Оқибатда раҳбарият олдида мавқеингизни йўқотасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Шахсий ҳаётингизда ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Йирик харидларни ҳафтанинг охирги кунларига қолдиринг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ўйламай айтган гапингиз оқибатида яқин дўстингиз билан муносабатларингизга путур етиши эҳтимоли бор.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Муҳаббат бобида омадингиз келади. Фақат учрашувга чиққанингизда ўта жиддий инсон сифатида таассурот қолдиришга интилманг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Ҳафта давомида фарзандларингизнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги билан боғлиқ бозор-ўчар ишларига анча вақт сарфлайсиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** -Кўчмас мулк олди-сотдиси учун қулай ҳафта. Аммо ҳужжатларни имзолашдан олдин уларни диққат билан ўрганиб чиқишни маслаҳат берган бўлардик.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Кўнгилнишилар билан зиддиятга бориб қолмасликка тиришинг. Соғлиғингизга ҳам эътиборлироқ бўлинг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Йирик миқдорда пул зарур бўлгани учун қарз олишингизга тўғри келиши мумкин. Тез орада уни узиш имконияти ҳам пайдо бўлади.



Қийшиқ, ...- Сўпоқ
Резина, кўн
...- Туйғу
Самолёт русуми
Қад-қомат
Осмон жисми
Диний ҳикмат
Пар-ранда
Фаҳм
Уфа
Нью-...
Опанинг эри
Ажаб-товур
... Зўрники
Хонадон
Маъбуд, тангри
Гўшт
Шанба-лик
Авто шаҳар
Пуфак
"Қора акула"
Қизлар исми
Сўз боши ...
Нота
Вахший, бераҳм
Бишкек
Олис сайёра
Гоят баланд
Қизлар исми
"Билан" (адабий)
Мате-матик машқ
Шахмат
Нота
Металл арқон
Дезодо-рант
Путур, зиён
Антик Волга
"... Лиза"
Дарё, Франция
Онг, ақл-...
Денгиз
... Гуд
Жайрон, кийик
Ҳаша-рот
Саноқ қўшим-часи
Авра-...
Диндор аёл
Араб ҳарфи
Рус (жаргон)
...-... Кўл бўлур
Аксари
... Турман (актриса)
Футбол қироли
Лотинча "икки"



Қадим шашка
Сита ёри
Томон
3,14
Озиқ-овқат
Уқув, қурб
Олмон физиги
Каср ости
Қисқа "нима"
Иш устаси
Ерости транс-порти
Сон
Емак-хона
Мол емиши
Нота
Келин-ойи (шева)
Рим футбол клуби
Бутоқ
Зеб, оро
Сапар-мурод Ниёзов
*ОИЛА ВА ЖАМИЯТ*
Морена ...
... Ўтар
Аёллар "трос"и
Волида
Қазилма жойи
Саҳна асари
Порт-ловчи модда
Ичра (синон.)
"Фиат" модели
Азалдан то...
... Жалилова
Туртки, мушт
Оила, уй-жой
Сабаб, важ
Адабий жанр
Ҳарорат ўлчов бирлиги
Қисқич-бақа тури
Ҳайрон
Суюқлик ўлчови
Висол
Безак пат
Ўпка-гина
Сиёсий партия
Пардоз ашёси
...-Сингил
Қирғиз ўлани
Балет одими
Япон театри
Боғи ...
Ҳинд аёллари либоси
Қоғоз ўрами
Бир жон, бир ...
Ўргим-чак уяси
Отнинг боласи
Брюс, Жет
Узунлик ўлчови (қисқа)
Пар
Яхши ният ярим ...
Сузиш усули
Визан-тия
Мазҳаб
Олмош
Америка тўтиси
Америка давлати
Учар ликопча
Кўпи кетиб, ... ғолди
Милтиқ тури
Дон маҳсу-лоти
... бермоқ, ўлмоқ
Қисқа вақт бирлиги






Қоронғу тушиб қолганида, Саттор ширакайф тўйдан қайтаётган эди. Хирмонда прицепга пахта юклашаётган Ҳамидулло билан Тўхтасин унга гап қотишди.

- Тўйнинг қатламасидан ейлик, Саттор ака.

- Ма, ейиш! - деди Саттор қўлидаги тугунни узатиб. - Қандқурси бўлса ҳам ейишавер. Сенларни сийладим.

Маҳалладошларнинг қорни очиб қолганди. Иккиси тугунни ечишиб, қатламани ушатишди. Шу пайт Ҳамидулло Сатторга гап қотди.

- Кўприкдан қандай ўтиб келдингиз, Саттор ака?

- Қандай ўтардим, юриб ўтдим.

- Кўзингизга ажина кўринмадими?

- Ажина қўрққанга кўринади. Ҳеч қанақа ажина йўқ.

# АЖИНАЛАР САБОҚ БЕРДИ

- Тавба деб айтинг, у ердан кечаси ўтмаган маъқул.

- Қўрққанга қўш кўринар. Ажина бўлганида ҳозир йўлимни тўсар эди-да.

- Қўлингизда нон борлигига кела олмаган бўлса керак.

- Ажина нонни билармиди?! Ке, гаров ўйнаймиз. Мен кўприк устига қайтиб, ажинани энасидан олиб, ағдариб сўкаман. Агар ажина чиқса, мен яримта қуяман, чиқмаса сен. Келишдикми?

Иккиси қўл олишди. Тўхтасин уларнинг кафти устига уриб, "кесди".

Саттор орқасига қайтди. Кўприк билан хирмон оралиғи икки юз қадамча масофа, холос. Агар Саттор бақириб ажиналарни сўкса, бемалол эшитилади. Ҳамидулло билан Тўхтасин қатламани ейишиб, кўприк томонга қулоқ солиб туришди.

Саттор жўнаб кетган жойни Куйган кўприк, дейишади. Бир вақтлар ажиналар жанжаллашиб, кўприкка ўт қўйиб юборишган, деган гап юради. Бироқ кўприк томондан Сатторнинг овози эшитилмади. Тўғрироғи, у эндигина юз қадамча юрганда, закан бўйида кучли прожекторнинг ёниб турганига кўзи тушди. Ҳамқишлоқ йигитлар баъзида кечаси балиқ овлагани чиқиб туришади. Ўша ёқдан кимдир: "Тўс! тўс! Қочирма!" дея қичқирганга ўхшади. Бу овоз худди Сатторнинг қўшниси Эгамбердининг овозига ўхшади. Саттор кўприкни ҳам унутиб, ўша томонга юрди. Лекин қанчалик тиккалаб, шахт билан юрмасин, закан бўйига ета олмади. У ерга яқинлашган сайин, прожектор заканнинг юқори қисми томон узоқлашиб бораверди. У шудгорни батамом кесиб ўтиб, закан бўйига чиққанида, прожектор ҳам заканнинг қуйи қисмида, ҳам юқори қисмида пайдо бўлиб қолди. Саттор қайси томонга юришини билмай турганида, заканнинг юқори томонида катта аланга ёниб турганга ўхшаб кўринди. Ўша жойда ёввойи жийдалар борлигини яхши биларди. Балиқ овлаётганлар ўтин ёқиб, балиқ пишираётган бўлишса керак, деган хаёлда йўлга чиқди.

Унинг қаршисида энди сўқмоқ йўл пайдо бўлиб қолди. Саттор сўқмоқдан одимлаб бораркан, укаси Анварнинг "қаҳ-қаҳ" отиб кулганини эшитди. Демак, балиқ овлаётганлар орасида Анвар ҳам бор экан, деган хаёлга борди. Айланиб, қандай қилиб Куйган кўприк устидан чиқиб қолганини унинг ўзи ҳам билмади. Кўприкдан сал нарироқдаги ажириқзор жойда гуриллаб олов ёниб турган эди. Саттор ана шу олов ёнида Анварнинг юрганини аниқ таниди. Бу жой иккита заканнинг қўшилув жойи эди. Балиқлар ҳам йўқ эмасди. Анвар балиқларни жийданинг шохига тизиб, оловга тоблаётган экан. Аммо унинг шериклари олов атрофига давра қуришиб, тескари қараб ўтиришарди. Овчилар заканнинг нариги томонида бўлгани учун Саттор туфли билан шимини ечиб, сувни кечиб ўтди. Лекин шу лаҳзада олов бирдан ўчди.



Хирмондагилар Сатторнинг овоз бермаётганига шубҳаланиб қолишди. Дарҳол велосипедда Сатторнинг укаси Анварнинг уйига етиб боришди. Улар тошфонусни ёқишиб, орқага қайтишди. Сатторни чақириб, қидиришди. Ниҳоят уни тонг ёришай деб қолган пайтда заканнинг қўшилув жойидан, совқотиб, дилдираб ўтирган ҳолатда топишди. Унинг қўл-оёқлари, бурун-қулоқлари чақалак жийдаларга урилавериб, шилиниб кетганди. Шундай бўлса-да, у ўрнидан туриб, укасига савол ташлади:

- Балиқ қани, балиқ?!

Ажиналар адаштириб кетган Сатторни ўқитишиб, зўрға хушига келтиришди. Бу воқеа унга бир умрлик сабоқ бўлди.

**Комилжон НИШОНОВ**

# РИЗҚ

Офтобхон билан Аҳмад ака ширин турмуш кечирадилар. Хотини эри буюрган юмушларни сидқидилдан бажаришни хуш кўрадиган аёл. Аҳмад аканинг севиб истеъмол қиладиган таоми - қайиш (хамир овқат). Ҳар шанба куни тушликда икки товоқ сергўшт қайишни пиширтиради. Икки-уч дўсти билан гурунглашиб, ейишади.

Бир куни Офтобхон қайишни олиб кираётганда:

- Келин, шу овқатнинг ёнида яримтаси бўлса, - деб гап отиб қолди Аҳмад аканинг улфатларидан бири.

Бу Офтобхонга қаттиқ таъсир қилди, нафратини қўзғатди. Ҳурмат, эъзозга муносабати шуми, дея ўкинди.

Меҳмонлар кетгач, эрига ётиғи билан тушунтирди:

- Дадаси, бунақаларни уйга чорламанг. Таомингизни еб, раҳмат айтиш ўрнига заҳри-заққум сўраяпти. Ичкиликнинг оқибати яхшилик келтирмаслигини биласиз-ку...

Аҳмад ака хотинига:

- Бўпти. Ароққа ошноларни асло чақирмаганим бўлсин, - дея ваъда берди.

Офтобхон келгуси ҳафтада бир зувала ҳамирош тайёрлади. Қайишни пишириб, энди дастурхонга келтириб улгурганди ҳамки, дарвоза тақиллади.

Аҳмад акага хотини:

- Қаранг, ким келди экан? - деди.

- Йўқ, онаси, ўзингиз қарайсиз. Мен борсам, бировни чақирди, деган гумон кўнглингизга келади.

Офтобхон дарвозани очса, синглиси эри билан бирга келган экан. Уларни дастурхонга таклиф этди. "Олинг-олинг" бошланганда яна кимдир дарвоза томондан овоз берди. Аҳмад ака хотинига маъноли қаради. Хотини тушунди шекилли, дарвозани очишга ошиқди. Чиқиб қараса, дугонаси Анзират билан Боқивой.

- Киринглар, киринглар. Қайси шамол учирди сизларни, - дея чеҳраси ёришиб ичкарига чорлади Офтобхон.

*Ҳаётий ҳангомалар*

# КЎНГИЛ

Навоий вилояти Бухоро вилояти таркибидан ажралиб чиқмаган кезлар эди. Вилоят раҳбари Қаюм Муртазоев "Бухоро" хўжалигига тез-тез келиб, боғ-роғларни, пахтазорларни кўздан кечирарди. Бу ҳол ҳар ҳафта бир марта такрорланиб турди. Табиийки, раис Деҳқон Шерқулов вилоят раҳбарини, шунингдек, туманнинг ўша вақтдаги биринчи котиби Маҳмуд Мираковни кутиб олиб, яна жўнатиб қўярди. Охирги марта раис негадир уларни кутиб олмади. Ҳатто улар кўзига кўринмади ҳам.

Шунда вилоят раҳбари Маҳмуд Мираковдан сўраб қолди.

- Айтинг-чи, нега Шерқулов кўринмаяпти?

- Билмадим, Қаюм ака, - деди Мираков. - Деҳқон Шерқулов ориятли инсонлардан. Менимча, ўзингиз сезмаган ҳолда орқа ўриндиқдан туриб, унинг елкасига оҳиста бўлса-да, муштингизни қўйдингиз. Қўпол гапирмадингиз, ҳақорат қилмадингиз. Бу раисни ургандан ҳам оғирроқ туюлган бўлса, ажаб эмас.

- Ўзим ҳам сезувдим. Афсус, эътибор қилмабман. Энди шу хўжаликда бирор жойда чой айтиб, Шерқуловни чақирасиз. Бироз суҳбатлашайлик, гап бор, - деди Қаюм Муртазоев туман раҳбари хонасидан чиқаётиб.

- Сизга қайси кун қулай?

- Жума кун.

- Жуда соз, - дея Мираков вилоят раҳбарини кузатишга чиқди.

"Бухоро" хўжалигининг 2-бригадаси дала шийпонида дастурхон ноз-неъматга тўлдирилди.

Тушки соат ўн бир яримда Қ.Муртазоев билан М.Мираков келиб қолишди. Шерқулов уларни кутиб олиб, дастурхонга таклиф қилди.

Суҳбат беш дақиқа давом этди. Вилоят раҳбари келтирилган таомларга қўл ҳам теккизмади. Бир бурда нонни оғзига солиб, бир пиёла чой билан ютди-да:

- Ана, нон-туз бўлдик. Шу тузингиз ҳаққи мени кечирасиз, - деб қолди.

- Ие, нега?-ҳайрон бўлди раис.

- Хафа бўлмайсиз, хизматчилик. Мингта ташвиш, ўйлов билан юрамиз. Аввалги учрашувда елкангизга кафтимни эмас, муштимни қўйиб, гап уқтирибман, - деди Муртазоев.

- Қўйсангиз-чи, Қаюм ака. Мен буни ҳатто сезганим йўқ...

- Барибир ҳаммамиз ҳам инсонмиз, кўнгил нозик, - деди вилоят раҳбари ўрнидан қўзғаларкан. - Энди ишларни дўндиринг. Отни қамчиланг! Сизга ишонамиз ва омад тилаймиз...

Раиснинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Шу-шу Деҳқон Шерқулов камтарин, оддий ва камсуқум, кадрларга нисбатан талабчан, ҳурмати баланд Қаюм Муртазоевни бот-бот эслаб юрадиган бўлди.

# МИРАҲМАДНИНГ ҲЎКИЗИ

Тўрт йил аввал Мираҳмад бузоқча олиб: "Боқсам катта бўлади, семиради. Ё сўйиб сотаман, ёки бозорга чиқараман", деб ўйлаганди.

Бир куни хотини Ойшахон:

- Ҳўкизимиз катта бўлди. Чиқариб сотинг, - деб қолди.

- Э, қўйсангиз-чи, хотин. Шуни ўғлимизнинг тўйига сўйиш учун қудаларга берганимиз маъқулроқ, - мулойимлик билан гапирди Мираҳмад.

- Тўйга сал кичикроғи ҳам бўлаверади. Ҳозир бу беш юз минг сўмга бемалол кетади. Икки юз ёки икки юз эллик минг сўмга бошқасини олсангиз, қолганига бир дардимизни кўрамиз, - дея Ойшахон бидирлади.

- Сен айтганча бўлсин, хотин. Якшанба бозорига олиб чиқаман.

Эр бозордан хурсанд қайтди. Чунки новвосни тўрт юз эллик минг сўмга сотганди.

- Яшанг! Гап мана бу-да! - деди Ойшахон эрига чой узатаркан.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Мираҳмад бозорга борди. Роса айланиб, шохидан ип боғланган ҳўкиз ёнида тўхтади. Эгаси билан саломлашгач, молнинг нарҳини сўради.

- Бозор-да, бу, ака. Сиз бир нима денг. Яна келишамиз. Даллол бор, - деди ҳўкизнинг эгаси. - Тўрт юз эллик минг сўм.

- Қўйсангиз-чи, ўзим ўтган ҳафта шунга ўхшаган новвосни сиз айтган нархда сотганман. Бироз арзонроқ айтингиз-да.

Мираҳмад кўп тортишишди. Бўлмагач, даллол ёллади. У ҳам сотувчининг нархидан камини айтмагач, яна нариги томонларни айланиб кетди. Бироқ дидига мосини тополмади. Кўзига иссиқ кўринган ўша ҳўкизни олгиси келаверди.

Қуёш чиқиб, иссиқ бўлавергач, Мираҳмад савдони пиширди-да, новвосни тўрт юз эллик минг сўмга харид қилди.

- Хотин, қара, ажойиб ҳўкиз сотиб олдим. Ана буни тўйга элтсак арзийди, - деди айвон тагидаги устунга боғларкан.

Эр-хотин ўтириб чой ичишди. Ойшахон молнинг нархини сўради:

- Зўрини харид қилдим, - гапини такрорлади Мираҳмад устма-уст чой ҳўпларкан.

Ойшахон ҳўкизни кузатаркан, энсаси қотди:

- Эсингиз қурсин-да, дадаси. Ахир, бу ўзимизнинг ҳўкиз-ку! Мен икки шохи учига қизил бўёқ суртиб қўювдим. Зокиржоннинг тўйига, деб боқилган новвос яна уйга қайтиб келди. Сиздан кетгани, икки бозор овора бўлдингиз, холос.

# ХИЗМАТМИ ЁКИ ТУҲМАТ

Телефон жиринглайди. Гўшакни кўтараман:

- Алло, бу қаердан?

- Ишлаб чиқариш корхонасидан.

- Кимсиз?

- Ботирхўжаевман.

- Менга Дилини чақириб беринг!

- Кимсиз, қизим, танимадим?

- Дилини чақиринг, деяпман!

- бақироқ овоз эшитилади.

- Қайси ташкилотдан.

- Сизларга қўшни ташкилотдан. Дўконда ишлайди. Билмайман иккинчи қаватдами ё бирда?

- Синглим, менинг ишларим кўп. Бу - биринчидан. Иккинчидан, у қизни танимайман. Учинчидан, сиз ўзингизни таништирмадингиз.

- Ув, нима деяпсиз? Дилини чақириб беринг. Бўлмаса, устингиздан шикоят қиламан.

- Нега? Мен сизга ёмонлик қилмадим-ку?!

Салом-аликдан дарак йўқ, яна бақироқ овоз эшитилади:

- Нима бало, дугонамни чақириб ҳам беролмайсизми?

- Йўқ! Бизлар бундай хизмат билан шуғулланмаймиз. Танимаган киши билан мулоқот қилишнинг эса ҳожати йўқ.

Гўшакни қўяман. Телефон яна жиринглайди. Яна ўша овоз:

- Дилини чақириб беринг! Бўлмаса, бошлиғингизга шикоят ёзаман...

**Баҳодир ЭГАМ,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

# ЖУРЪАТСИЗЛИК ЖАБРИ

Турмуш чорраҳаларида

Мактабда ўқиб юрган кезларида Гулиноз исмли қиз билан Аҳмаджон бир синфда ўқиб, бир партада ўтиришган. Қиз гўзал бўлиш билан бирга хуш хулқ-атворли ҳам эди. Аҳмаджон иккиси яқин дўст бўлиб қолишди. Мактабга ҳам бирга бориб, бирга қайтишарди. Эҳ, ўша олтинга тенг даврларни тўхтатиб қолиш имкони бўлсайди... Умри бино бўлиб сазовор бўлгани ҳақиқий муҳаббати ҳамиша ўзи билан қоларди, абад!

Аҳмаджон ҳарбийга кетишидан олдин акаси Рашидни уйладилар. Аҳмаджон тўйни ўтказиб бўлиб сўнг хизматга жўнаб кетди. Гулиноз йўлга уни кузатаётиб шундай деди:

- Қушқанотимдай бўлиб қолгандинг. Сенсиз учолмас қушдай бўлиб қоламан, энди...

Аҳмаджоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. У ўз хаёллари билан қизга: "Турмушга чиқиб кетмайсанми, мени кутасанми?" дея олди. Бироқ Гулиноз ҳеч нимани фаҳмламади. Боз устига: "Албатта кутаман, сенга муносиб қизни келинликка ўзим топиб, тўйингда хизматда бўламан",-деди самимият билан.

Аҳмаджон сокин ерга тикилди. Дарди ичида кетаверди.

У Гулиноздан тинмай хат олар, унинг мактублари юрак дардига малҳам бўлиб турди.

Бу орада Рашид акаси аёлига кўнгилсиз бўлиб ажралишди. Яхшиямки, ораларида фарзанд йўқ эди...

Йигитлик бурчини адо этишда Аҳмаджонга севгилисининг дил битиклари далда берса-да, совчилар қиз ошёни эшигининг турумини бузгудай бўлиб, отасига тинчлик бермаётгани юрагига ғашлик соларди. Бундан Аҳмаджоннинг қалби қаттиқ лат егандай оғрир, тезроқ Гулинознинг бағрига қайтса, висолига етса, деб умид билан кун санарди.

Аҳмаджон ҳарбий хизматларни адо этиб, уйга қайтди. Қайтишни "сюрприз" қилиш ниятида ҳеч кимга хабар бермади. Йўлда машина жудаям секин юраётгандай, дақиқалар йиллдек чўзилмоқда эди гўё.

...Ниҳоят Аҳмаджон беғубор болалиги ўтган дарвоза қанотини очди. Қайсидир юмуш билан куймаланиб юрган волидаси... даставвал уни сезмади. Ташвишли кунлар кўланкаси юзига соя ташлагандек бўлса керак, дилбандининг юзига синчков тикилди онаси. Сўнг аскар мунисасининг бағрига сингиб кетди. Онажонисининг синчков нигоҳларига дош беролмай дарҳол қувончли онларини сўзлай бошлади у.

Бир пайт Гулиноз кириб келди. Аҳмаджон ҳайрон боқди унга. Ахир, у келинлар киядиган кийимда эди-да. Кейин билса, суйган Гулинози ўз акасига келин бўлиб тушибди...

- Аҳмад, эсингдамми, авваллари ҳам нуқул ҳасратларим билан сенинг бошингни оғритиб турардим?-деди у сўрашиб бўлгач, ҳазил қилиб. - Тақдирни қара-я, дардларим билан сени умрбод зада қиламан чоғи? Ҳа, айтмоқчи, бўлажак овсинчамнинг рашки келмаса бўлгани... Тўғри тушунадиган келин келсин-да, ишқилиб.

...Ўша кундан бошлаб Аҳмаджон вужуд-вужудининг аллақайси нуқталарида оғриқ сезди. Бу оғриқ юракдаги дардлар тўлқини бўлиб, у кейинчалик сирли бир тугунга айланиб қолди. Биринчи муҳаббатдаги омадсизлик йигит руҳини тушириб юборди. Лекин у буни жисмоний меҳнатга қаттиқ берилиш билан енгишга қарор қилди.

Онаси бечора келин ҳақида сўз очди дегунча юрагини симиллаб оқарди унинг. Аҳмаджон гапни кесиб Рашид акасининг биринчи аёлини рўкач қиларди. Волидаси эса:

- Вой болам-ей, ҳамма ҳам унга ўхшаб қолибдими? Гулиноз келинимни кўргин, оёғидан ўт чақнайди. Рўзғор юмушларини кўнглимдагидай қилиб адо этади. Ҳаттоки, уйига жавобни мендан сўрайди. "Ҳа, эрингиз рози бўлса бораверинг, қизим", десам: "Ахир, бу уйнинг каттаси сизку, онажоним", дейди. Жоним қизим, уйингизга борганингизда қудам билан гаплашиб, бирор кун ётиб қолиб келаверинг, десам ҳам асло кўнмайди. Нима эмиш, уй юмушлари ўзимга қолиб, қийналармишман. "Қачон Аҳмаджон ўғлингиз хизматдан келади, келин тушириб олиб келамиз уйга, сўнг кўнглим хотиржам бўлади", дейди-да. Кеча қудам қаттиқ бетоб бўлиб қолган экан, шунга мажбур қолиб кетди бир кун...

Зебихон ая биринчи келинидан кўрмаган ҳурматни Гулиноздан ҳис этгани учунми унга меҳри тобланиб, кўз ости ажинлари ёшга тўлди шу топда.

Аҳмаджон Гулиноз шаънига айтилган илиқ сўзларни эшитиб, яна маҳзунлашиб кетди. У "қилт" этиб ютинаркан, юраги тўлиб, нимадир томоғига



қаттиқ тикилди.

- Энди у битта бўлиб яралиб қолган, онажон, - деди у дастурхон попугини эрмак қиларкан, ич-ичидан чуқур хўрсиниқ чиқиб. - Унақа келин қайтиб туғилмайди...

- Йўғ-а, болам, - онаси яна гапга тушди, - катта арава қайга юрса кейингилари ҳам ўша тарафга босади. Демоқчиманки, овсинлар каттасига қараб бўлади. Аллоҳга айтганим бор экан, шундай меҳрибон, оқила келинни менга тортиқ қилди, шукр. Ҳа, айтмоқчи, болам, келинимнинг собиқ синфдошинг бўлгани учунми, бир-икки сенсираганингни эшитиб қолдим-а? Қўй, аканги ҳурмати учун келинимни "келинойи" дегин...

...Гулиноз Аҳмаджон ўйлаганидан ҳам зиёда келин бўлди. Онаси учун жон куйдириши, акасига кўрсатаётган беқиёс меҳри... У янгасига ҳавас ила боқса-да, очиғи, оғасига нисбатан қандайдир ҳасад қиларди. Бироқ муҳаббати фақат юрагида софлигича қолиб кетганди, унга ёмон қараш қилмасди. Ахир, у энди жигаргўшасининг хасми...

Акаси рус тили-адабиёти факультетини тамомлагани учунми, жуда руслашиб кетган. У меҳмон кутишдан кўра, совға-салом қилиб, меҳмонга боришни хуш кўради. Гулинозни ҳам кўярда-кўймай бирга олиб кетарди. Бу орада акаси аёллардан анча-мунча "танишлар" орттиришга ҳам улгурганини сезиб қолди.

Ўша куни Аҳмаджон уйига ҳеч сиғмай қолди. Бетоқат бўлиб кетаверди, бағрида ғашлик ўрмалаб тинчлик бермади. У ўрнидан туриб сигарет тутатди. Ташқарига чиқиб, очиқ ҳавода турганди. Гулиноз ҳовли этагида ўзи ёлғиз ўтирганини кўриб, томоқ қириб ёнига борди. Унинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш кўрди. "Тинчликми?" деганди: "Ўзим, шунчаки... бошим оғрияпти", деб туриб, уйига кириб кетди. Унинг бундай "бош оғриқ"ларини у кўп кузатди.

Аҳмаджон бир куни уни гапиришга, ҳақиқатни айтишга мажбур қилди.

- Бу гапларни гапирадиган бўлсам, ўзим енгил тортганим билан... сенга оғир юк бўлмасмикан?.. - деди Гулиноз.

- Айтавер, сени ҳам, акамни ҳам энди кўриб турганим йўқ.

- Аҳмаджон... - дея сўз бошлади Гулиноз анчайин сукунатдан кейин. - Сен менинг ушалмас орзуларимдан воқиф эдинг. Дарҳақиқат, улар ушалмас экан, энди билсам... Биласан, мен ҳеч кимни севмаганман, севилмаганман ҳам.

- Йўғ-е, мактабдагилар эсингдан чиқдими? Ахир, бол ҳидини ҳис қилган асаларидай атрофингдан кетолмай қолган йигитларни унутдингми? - деди туйқусдан. Мен ҳам... деб юборишдан базўр тийди ўзини.

- Ҳар кимга ҳам ишонмасдим. Чунки улар менинг тасаввуримдаги инсон эмасди. Бироқ Рашид акангни ҳурмат қилардим, чин дилдан... - Гулиноз "пиқ-пиқ" этиб йиғлаб юборди. - Охир-оқибат меҳрим эвазига хиёнат-ла сийлади, у... Ҳаттоки уч-тўрт марта... уйдан мени ҳайдади ҳам. Фазилатларимиз тўғри келмасмиш. Рашид акангга ўйин-кулгу бўлса бўлгани. Аканг бораётган давраларга боргим келмайди. Мен тинч, дабдабасиз яшашни истайман. Онажонимнинг оғирини енгил қилиб, жуфтидан айрилган кўнглига қараб, хизматида бўлсам дейман... Хуллас, бахтимга чанг ёпишди-да, Аҳмаджон.

Аҳмаджон уни тинглар экан, юпатиш илинжида қолаверса, Гулинозни ҳаёт учун курашишга ундаш мақсадида юрагидан ситилиб шу сўзлар келди:

- Умидли дунё, Гулиноз, вақти келиб ҳаммаси изга тушиб кетар... Ҳамма ҳам адашади. Сиқилиб ўтиргандан кўра хатоларни тузатишга интилиш керак. Ўзингни ғамга ғарқ қилганинг билан наф йўқ. Рашид акам эса гумроҳлиги, дунёни ўз қаричи билан ўлчагани учун келажак олдида жавоб беради ҳали.

Гулиноз кўзларидан сизиб чиқаётган маржон ёшларини кафти билан сидириб ташларкан, аламли бир алфозда жойидан қўзғалди.

- Гапингда жон бор, - деди у, сўнг Аҳмаджонга бир боқди-ю, уйи томон аста одимлади. - Ҳа, майли, ёмғир ҳам бошланди, жойингга кириб ёт, хайрли тун...

Аҳмаджон уйга кириб ўрнига ётаркан, унинг кўзлари ҳам нам эди. Кўз ёшлардан жиққа ҳўл бўлган болишини ўгириб, уй деразасидан бемаврид ёғаётган ёз ёмғирларини кузатиб ётди. Тинмай ўзини таъқиб этаётган саволлардан қутулиш мақсадида лаблари пичирлади: "Шундай туйғулар борки, баъзан улар муҳаббатдан ҳам устун келади. У вафодорлик ва олижанобликдир! Олижаноб бўлишнинг ўз лаззати бор. Асл муҳаббат шундай бўлади. Лекин... Менинг журъатсизлигим, ўз вақтида айтилмаган изҳорим унга жабр етказди! Эй Қодир Эгам, акамга инсоф бергин!.."

**Нигора САЙДАЛИЕВА**

# МАСЛАҲАТИНГИЗГА ЗОРМАН

Дил изҳори

"Оила ва жамият"нинг бирор сонини ҳам қолдирмай ўқиб бораман. Ундаги турли ҳолатларга тушиб қолган одамларнинг ҳаёти ҳақида ўқирканман, баъзида,-"Шундай ҳам бўлиши мумкин эканми? Йўқ буларнинг ҳаммаси қаламкашларнинг хаёл маҳсули-да!"-деб қўл силтаб қўя қолардим. Аммо... Ҳаёт деганлари шундайин шафқатсиз синовларни йўлимга кўндаланг қўяркани, уни қандай қилиб енгиб ўтишни билолмай қоларкансан. Бугун мен, гарчанд олтмиш ёшдан ошиб қолган, болачақаларидан тинган, бир этак невараларга "бобо" бўлиб, энди чеккан меҳнату заҳматларимнинг роҳатини кўраман, деб турган маҳалимда... Кутилмаганда бошимга биров гурзи билан ургандек гангиб қолганман. Бу муаммони хотинимдан бўлак ҳеч кимга, ҳатто болаларимга ҳам айтолмай қийноқдаман. Айтганимда ҳам айни дамда қоронғуликка чулғанган йўлим тағин илгаригидек ёруғлашиб кетишига ишончим ҳам йўқ, аслида...

Бу борада балки кўпни кўрган юртдошларим менга бир йўл кўрсатишар балки, ҳеч бўлмаса таскин-тасалли билан олов бўлиб ёнаётган юрагим тафтини бироз пасайтиришар, деган умидда қўлимга қалам-қоғоз олишга жазм этдим.

Айни гуллаган ёшлик кезларимизда хотиним билан севиб-севилиб, сиҳнашиб уч йил гаплашиб юрдик. Сўнг тўй-тантана билан оила қурдик. Аммо фурсати етган экан, 2 ойдан сўнг мен ҳарбий хизматга чақирилдим. 3 йил чет давлатда йигитлик бурчимни адо этдим. Қайтиб келгач, хотиним билан оилавий ҳаётни давом эттирдик. Бахтли, тўкис яшаб, олти фарзанд кўрдик. Улар камолга етишди, уйли-жойли бўлишди, келинлар, куёвлар, қуда-андалар, неваралар қуршовида тинчгина умргузаронлик қилаётувдик. Аммо... Бундан бир ойча муқаддам бир маросимда ёнимда ўтирган бир эркак хотинимнинг номини атаб гап бошлади. Мен у тилга олаётган аёлни танишимни айтдим. "Бу аёл сизга ким бўлади?" - деб сўради. "Бир маҳалладанмиз", - дедим. Шунда у: "Эри хизматда пайтида шу аёл билан ишқий муносабат боғлаганман", - деса бўладими!.. Ҳушим бошимдан учиб кетди.

Уйга қайтиб, хотинимни сўроққа тутдим. У аввалига бу гапни бўйнига олмади. Қийин-қистовга олавергандан кейин иккинчи кун ҳаммасига иқрор бўлиб, ростлигини айтди. Ана шундан кейин нима қилишимни билмай қолдим. Виждоним қийноқда. 40 йиллик ёстиқдошим билан энди бундан бу ёғига қандай қилиб бир уйда яшашимиз мумкин?

Йигитлик ориятим кучлилик қилиб, ушбу мактубни ёзмоқдаман. Хаёлимда мен учун бу ҳаётнинг маъноси қолмагандек туюлаяпти. Эй, яхшилар! Мен энди нима қилай? Маслаҳатларингизга зор-интизорман.

**БАХТИЁР,**
**Фарғона вилояти.**

Орадан кўп вақт ўтмай, Маъмура яна бир хат олди.



ҚИССАДАН ҲИССА

# ҲИЙЛАГАР ОВСИН

Икки овсин бундан ўн икки йил муқаддам ёнма-ён қурилган янги чекларга кўчиб чиқишган эди. Аканинг хотини Маъмура ўшандан буён тижорат билан шуғулланади. Эрталаб бозорга чиқиб кетганича, кечки пайт ҳориб-чарчаб уйга қайтади. Унинг эри Икромжон эса далада ишлайди. Ўзи жуда содда-жўн инсон. Маҳаллалдагилар уни: "Кетмондан бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ", дейишади.

Қўшни ҳовлида яшаётган овсиннинг исми Гуласал. Исми жисмига монанд, чеҳраси гулдай. Кўпдан-кўп дўмбоқ билагини сийпалаб, дарвозанинг олдида ўтган-кетганга гап сотиб туради. Иккала фарзанди мактабга жўнатиб, гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга қўл урган бўлади-ю, ҳеч бирини охирига етказмай, дарвоза олдига йўл олади. Унинг эри Иқболжон тушликка уйга келади. Бугун ҳам у велосипедини ғизиллатиб, тушликка келиб қолди. Ҳар доимгидай хотинини дарвоза олдида кўриб, ундан сўради.

- Шошиб тургандим, овқатинг тайёрми?

- Овқат қилганим йўқ, - жавоб қилди Гуласал. - Кечаги овқатни иситиб қўя қоламиз.

- Маъқул, - маъноли гап қилди Иқболжон. - Мана шу дарвозани ўғрига олдирмай, қўриқлаб турсанг бўлгани.

- Ҳозирроқда чиққандим, - жиндай ранжиган бўлди Гуласал. - Ҳар куни келибоқ пешонамга тақиллатасиз.

- Тақиллатмай нима қилай? Шу жойда ўзингни кўз-кўз қилиб туриш ўрнига айвонга икки туп райҳон экиб қўймайсанми? Овсинингга қара, ҳовлисини гулзор қилиб қўйибди.

Бу гап Гуласалга оғир ботди. У жиндай худбинроқ. Овсинини ибрат қилиб кўрсатса, малол олади. Ўзини овсинидан ўн карра ақллиман, деб ўйлайди. Шу боисдан у эрига жиндай зардали гап қилди.

- Нега мени овсиним билан тенглаштирасиз? Ундан ўлсам, ўлигим ҳам ортиқ.

- Ана халос, нархингни роса кўтардинг-ку? Нимангг ортиқ?

- Оғзида иккита тиши йўқ. Шунча тижорат қилгани билан тилла нима эканини билмайди. Қоматиям тўкилиб қолган.

- Кошкийди қомат қорин тўйғазса, - хотинининг гапига яраша гап қилди Иқболжон. - Тижорат ҳам оғир иш. Бир қути қуртни ўзинг эплаб боқа олмадинг-ку?

- Қуртнинг сассиғига чидамайман. Нима бало, кўзингизга бургага ўхшаб кўринаяпман, шекилли?

Иқболжон ичида калима келтириб, шайтонга ҳай берди. Оилада бунақа даҳанаки жанглар бўлиб туради. Олий маълумотли одам узоқни ўйларкан-да...

Худди ўша куни қўшни ҳовлида ҳам ана шунга ўхшаш даҳанаки жанг бўлиб ўтди. Маъмура оғир катак сумкаларни кўтариб, тижоратдан қайтганида, Икромжон сўрида болалар билан чойлашиб ўтирган эди. Чойлашиб дейишимизнинг боиси, эркак киши қозон-товоққа уринавермас экан-да. Нон-чойга қаноат қилиб ўтиришганда, тижорати унчалик юришмай, диққат бўлиб келган Маъмура қўлидаги салафан халтани сўрига ирғитди.

- Овқатга уннаб турмабсизлар-да! Ҳеч бўлмаса сабзи-пиёзни тўғраб турганларингда бўларди-ку!

- Ҳалиям кеч эмас, - ўрнидан қўзғалди Икромжон. - Дарров қарашиб юборамиз.

- Ҳе, тижорат деганиям қуриб кетсин, - хўрсинди Маъмура, - оёқ-қўлимда мадор қолмади.

- Чарчаган бўлсанг, дамингни ол, деб айтдим-ку, сенга. Уйда сен бўлмасанг, болалар ҳам тентираб қолишаяпти.

- Жон деб дам олардим. Кошкийди сиз бошқа эркакларга ўхшаб миллион-миллион топиб келганингизда. Кетмон ушлаган одамнинг қачон бири икки бўлибди?

- Шунисига ҳам шукр қилайлик, аяси. Ҳамма қатори яшаяпмиз-ку.

Шу билан жанжал босилгандай бўлди. Лекин Маъмура миллион-миллион топиб келишни писанда қилиб, эрининг кўнглини оғритиб қўйганди. Икромжон шу гапни ҳар қачон оғир олади. Аммо хотинига сездирмай, ич-этини еб юраверади.

Бу ёқда эса Маъмуранинг орзу-ҳавaслари ушалмаётгандай бўлаверади. Нега тақдир ўзини миллион-миллион топадиган одамга рўпара қилмаганлигини ўйлайверади. Аслида унга салгина аввалроқ худди ана шундай топармон-тутармонлар оиласидан совчи келганди. Лекин дадаси уларга розилик бермай, Икромжон юборган совчиларга розилик берди. Унга биринчи бўлиб совчи жўнатган йигит ҳам шу қишлоқлик эди. У Маъмуранинг йўлини пойлаб, муҳаббат изҳор қилишга ҳам улгурганди. Унга Маъмуранинг мойиллиги ҳам бор эди. Лекин тақдир қўшилмаса қийин экан. Маъмуранинг турмуш қурганига ўн беш йил бўлсаям, ўша мойиллик унинг қалбидан ўчган эмас. Ўшанда отасининг дастлаб келган совчиларга нима учун розилик бермаганини ҳали-ҳали тушуна олмайди.

Маъмуранинг қалбидан ҳалигача ўчмай келаётган ўша армондан унинг овсини Гуласал ҳам озгина хабардор эди. Қолаверса, у Маъмурани ўзига нисбатан рақобатчи деб биларди. Чунки Маъмура ҳамма ишни менга ўчакишиб, куйканаклик билан қилаяпти, деган фикр унинг хаёлига маҳкам жойлашиб олганди. Ана шу худбинлик уни Маъмуранинг ўзига билдирмай ундан ўч олишга ундагани-ундаган эди.

Шундай бўлдики, Маъмурага ўн беш йил илгари муҳаббат изҳор қилган йигит уйланиб, битта фарзанд кўрганида, хотини оламдан ўтиб, икки йилдан буён ёлғиз яшаб келаётганди. Ана шу кезлари собиқ ошиқнинг ҳали ҳам Маъмуранинг кўнгли бор экан, деган миш-мишлар оралаб қолганди. Шу боисдан у "Нексия"сини кўпинча Маъмура яшаётган кўчадан ҳайдаб ўтаётганмиш. Бу гап аслида Маъмуранинг қулоғига ҳам етиб келганди. Тўғрироғи, бу ҳақда унинг овсини Гуласал шипшитиб қўйганди.



Ана шу кунлари Маъмурага тижоратга йўл олиб, бекатда машина кутиб ўтирганида, аллақандай нотаниш қизалоқ унинг қўлига тўрт букланган қоғозни тутқазиб, бир зумдаёқ қаёққадир ғойиб бўлиб қолди. Маъмура қоғозни олгач, ундаги ёзувга кўзи тушди. Унга шундай сўзлар ёзилганди: "Яхшимисиз, Маъмурахон? Сиз ҳалигача қалбимдан ўчмайсиз. Хаёлан ҳамиша сиз билан бирга бўламан. Қалбим ўртаниб, йўлингизни пойлайман. Ишқ ёмон нарса экан. Айбга буюрмайсиз, сизни кутиб яшаяпман. Фарзандларингизни ҳам боқиб оламан. Вужудим ҳамиша сиз билан!"

Хатни ўқиб, Маъмура худди жиноят устида қўлга тушган одамдай қўрқиб кетди. Унинг чеҳраси лов-лов ёниб, юраги гупиллаб ура бошлади. Хатнинг остига ёзилган "У" ҳарфидан тушундики, бу ўша, унга ўн беш йил илгари муҳаббат изҳор қилган йигит эди. Маъмура гарчи хатни ўша паллада ошкора майдалаб йиртиб ташлаган бўлса-да, унинг қалбидаги ғулғула сақланиб қолаверди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Маъмура яна бир хат олди. Бу хатда собиқ ошиқ унга эридан ажралишни таклиф қилганди. Ўша "бузоққа ўхшаган" эр билан яшаб нима ҳузур-ҳаловат кўрардингиз, деган сўзлар ҳам ёзилганди. Собиқ ошиқ Маъмурани эъзозлаб, кафтида кўтариб юришга муштоқ экан.

Ана шундан кейин Маъмура тижоратга бормай қўйди. Ҳар куни ўзига пардоз бериб, оролана бошлади. Шу орада эри билан жанжаллашишга ҳам уриниб кўрди. Икромжон хотинидаги ўзгаришга тушуна олмай, руҳан эзила бошлади. Маъмура қанчалик жиррақилик қилмасин, икки фарзанднинг юзидан унинг бемаза феъл-атворларига чидади. Бироқ Маъмуранинг: "Бошқа эркакларга ўхшаб миллион-миллион топиб келганингизда бошқа гап эди", деган кесатиғи унинг юрагини эзиб, қийноққа солиб келаётганди. Лекин бардошнинг ҳам чеки бор экан. Аёл кишининг нияти бузилса, унинг фикрини ўзгартириш жуда қийин бўларкан.

Хуллас, "У"нинг иккита хати бу оила тақдирини чирпирак қилиб ташлади. Кимлар ўртага тушмади, дейсиз. Охири суднинг ҳукмига қараб қолинди. Ҳайриятки, суд икки фарзанднинг тақдирини ўйлаб, уч ойга синов муддатини белгилади. Уч ой ҳам ўтди. Маъмуранинг фикри ўзгаргани йўқ эди. Мана шу орада у хатни ёзган собиқ ошиқнинг бирор марта ёлғиз учратиб, ишора бермаганига шубҳаланиб қолди. Ниҳоят, эртага суд бўлади, деган куни у муҳаббат мактубини ёзган "У"нинг йўлини пойлаб, уни учратди. Маъмура гапнинг дангалини айтди-қўйди.

- Хатни бериб, нега индамай юрибсиз?

- Қанақа хатни? - таажжубланди собиқ ошиқ.

- Менга ёзилган хатни. Вужудингиз ҳамиша мен билан бирга экан-ку!

- Ақлингиз жойидами? Ким айтди шунақа, деб? Менга туҳмат қилмоқчимисиз?

Маъмуранинг вужуди бирдан шалвираб қолди. У "дод" деб юборишдан зўрға ўзини тийди. Шитоб билан алам устида уйга қайтди-ю, иситмалаб ётиб қолди. Йигирма кун деганда, юрагида турган оғриқ салгина пасайгандай бўлди. Ана шундан кейин собиқ ошиқ номидан хатни ўзига ким ёзганлигини аниқлашга тушди. Ҳайриятки, унинг олган кейинги хати йўқолмаган экан. Уни кўриб, Иқболжон хотинининг ёзуви эканлигини дарҳол пайқади. Маъмура овсини Гуласалдан ҳеч қачон бундай бемаъниликни кутмаганди. Сир фош бўлгач, Гуласал кўз ёши тўкиб, овсинидан кечирим сўради.

- Мен сизга яхши бўлармикан, деб... Ишни бунчалик зўриқиб кетишини билмаган эканман. Кечиринг опажон, сизнинг олдингизда ўла-ўлгунимча гуноҳкорман!

Кошкийди кечирим сўраш билан иш ўрнига тушса. Ҳасаддан бошланган калтабинлик Гуласалнинг юзини шувут қилиб қўйди. Маъмура билан Икромжоннинг қалбига қаттиқ жароҳат етказди. Иқболжонга ҳам осон бўлмади.

Янгиобод қишлоғида содир бўлган бу воқеа ҳасадни одамга ҳар қачон ғурбат келтиришига ёрқин мисолдир. Бойликка хирс қўйиш эса, ақлни ўтмаслаштириб, одамни ҳавойи орзу-ҳавасларга гирифтор қилади. Ана шу икки иллат муқаддас оиланинг дарз кетишига олиб келади.

Хулоса шуки, бахт-иқболнинг калити ҳамиша аҳилликда ва ҳалол меҳнатдадир. Тангри берган ризқ-насибага шукр қилган одамгина ўзини ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асраб қола олади. Оилани муқаддас билиб, ҳасадсиз яшанг. Ана шунда бахт ҳам, омад ҳам сизни топиб келаверади.

**Комилжон НИШОНОВ,**
**Андижон вилояти.**

## ДАФТАР ХОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

### УМР

Танишдилар...
Севишдилар...
Турмуш қурдилар...
Фарзанд кўрдилар...
Тўнғичи нимжонроқ эди... Қамалиб чиқди...
Кенжаси қиз эди... Эркароқ ўсди. Турмуши бузилди...

Бир куни эркак кечаси уйғониб кетди. Узоқ ўй ўйлаб ётди. Қараса, аёли ҳам уйғоқ экан.

- Онаси,- деди. - Дунёга келиб нима кўрдик ўзи?

- Билмасам,- деди аёли хўрсиниб...

... Боботоққа борганимда қуриб қолган иккита дарахтни кўргандим. Иккаласи бир-бирига суяни-и-иб турарди...

### ЭНГ ОЛИЙ ТУЙҒУ

Энг тоза туйғу нима?

Биринчи маошингизни келтириб бериб, отангизнинг дуосини олганингизми?

Биринчи марта совға кўтариб келганингизда онангизнинг кўзида қалқиган ёшми?

Биринчи бўсами?

Тўй кечасидаги ҳаяжонларми?

Ногаҳон кўз юмган онангизнинг қабрини силаб йиғлаганингизми?

Тўнғич фарзандингизни илк бор мактабга етаклаб борганингизми?

Ҳаммаси... ҳаммаси покиза туйғулар... Аммо...

Бола эмизиб ўтирган аёлга зимдан разм солинг...

Гўдагига термулиб бола эмизаётган онанинг кўзларига синчиклаб тикилинг...

Энг олий туйғу нималигини шунда кўрасиз!

### АҚЛ ВА ТУЙҒУ

Эркак — ақлга, аёл — туйғуга мойил, дейдилар.

Ақли туйғусига бўйсунган эркак—нодон. Туйғуси ақлига бўйсунган аёл донодир...

### ФАРИШТАЛАР

Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтли экансиз! Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз, шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадийи эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз.

### ТАСКИН

Ҳамкасблари юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.

Дўстлари юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.

Умр йўлдоши юз ўгирган одам таскин топиши мумкин.

Фарзандлари юз ўгирган одам... Билмадимов...

### СУКУТ — ОЛТИН

Олимларнинг кузатишича, эр-хотин қанча кам гаплашса, оила шунча мустаҳкам бўларкан.

### РОСТ ВА ЁЛҒОН

Ҳақиқатдан қўрққан одам ёлғоннинг панасига беркинади.

**Ўткир ҲОШИМОВ**




## ДЎСТИМНИНГ МАСЛАҲАТИ БИЛАН

Қарши шаҳар деҳқон бозорида гастрит, яъни меъда, ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиш касаллиги бошидан кечирган дилкаш дўстим билан учрашиб қолиб, мен ҳам шу касалликдан кўпдан буён азоб чекаётганимни айтдим. У ушбу касалдан халқ табобати йўли билан даволаниб тузалганини айтиб, менга ҳам шу йўл билан қуйидагича даволанишим лозимлигини айтди.

Ароқ шишага 250 грамм коньяк қуйиб, устига 250 грамм пўсти тозаланиб, илиқ сувда ювиб қирғичдан ўтказилган саримсоқ пиёз солиб оғзини маҳкам ёпиб, шишани сандиқ устида йиғилган кўрпа қатига 1 ҳафта қўйилди. Сўнг докадан сузиб, дамламадан кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан ичган эдим, 28 кунда касалликдан шикоят қилишимга ўрин қолмади. Ҳурматли "Оила ва жамият" газетасининг ўқувчилари, юқоридаги халқ табобати усулини ҳаёт синовида қўллаб кўринг. Зора соғлигингиз ўз ўрнига тушиб кетса...

**Абол бобо ДАВЛАТОВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қарши шаҳри,**
**Худойзод маҳалласи.**

## ЗИҚНАФАСНИ ДАВОЛАЙДИ



40 бош уруғли пиёз устига қайноқ сув қуйиб юмшатинг. Улар юмшагунча кутиб туринг.Сўнг сувини тўкиб ташланг-да, бирорта ўсимлик ёғидан 1/2 литр қуйинг. Бўтқа ҳолига келгунча эзиб аралаштирасиз. Бу шифобахш бўтқани ҳар куни оч қоринга ва кечқурун ётишдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилсангиз зиқнафас касаллигидан фориғ бўласиз. Мен касалимни мана шу бўтқа билан даволадим. Мухлисларимизга керак бўлиб қолар деб ўйлаб, эътиборингизга ҳавола қилишни маъқул кўрдим.

**С. КАРИМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қарши шаҳри.**

## СУЛИ ҲАМ ФОЙДАЛИ...

Жигар оғриганда дарҳол дорихонага югуриш шарт эмас. Чунки жигар жуда нозик аъзо бўлгани учун турли кимёвий аралашмаларни ёқтирмайди. Агар сизда шундай муаммо пайдо бўлса мана бу табиий усул билан даволанишга ҳаракат қилинг.

Бир ош қошиқ тозаланмаган сулидан (овёс) олиб устига 2 стакан қайноқ сув қуйиб 10 дақиқа паст оловда қайнатасиз. Сўнг сузиб олиб 1/3 стакандан илиқ ҳолда ичасиз. Уч маҳал ичиладиган бу дамламага 15 томчи тирноқгул (календула) шарбатидан томизиб юборсангиз шифобахшлилиги янада ортади.

**У. РАҲМИДДИНОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

## БЎҒИНЛАР БЕЗОВТА ҚИЛСА...



Иш билан бўлиб бўғинларим оғриганига унча эътибор қилмагандим. Пенсияга чиққанимдан кейин дала ҳовлида яшай бошладим. Қўшнимиз халқ табобатидан хабардор эди. Бир куни ёмғирдан сўнг ҳовлига аранг юриб чиққанимни кўриб, ҳол сўради. Сабабини айтганимдан кейин кўп ўтмай бир чойнак чой кўтариб чиқди.

Бу қора смородина баргларидан тайёрланган чой экан. Кечгача шу чойдан ичдим. Кечқурун эса бўғинларимнинг оғриши пасайди. Яна уч-тўрт кун шу чойдан дамлаб ичгандим оғриқ ўтиб кетди. Ҳозир шифобахш барглардан қишга ҳам қуритиб қўяман.

**А. ОДИЛОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Булунғур тумани.**

## ЧИПҚОНДАН ҚИЙНАЛМАНГ!

Ўғлимнинг қўлларига тез-тез кўзли яралар чиқиб азоб торта бошлади. Шифокорлар "Чипқон" деб ташҳис қўйишди. Ўғлим уколдан қўрққани боис уни табибга олиб бордим. У қуйидаги малҳамни тайёрлаб берди. Унинг шифоси билан ўғлимнинг қўлларидаги яралар тез тузалиб кетди. Малҳам мана бундай тайёрланар экан.

Ярим литр қайноқ сувга 1 ош қошиқ қуритилган қичитқи ўт (крапива), 0,5 қошиқ туйилган саримсоқпиёз қўшиб 5 кун қоронғи жойда сақланади. Сўнг сузиб олиб, тоза банкага қуйилади. Зарур бўлганда икки қават қилиб букланган докани ботириб олиб яранинг устига боғлаб қўйилади. Бу муолажани уч-тўрт марта бажаргандан сўнг яралар ёрилиб йиринги чиқади ва тузала бошлайди.

**М. АЛИШЕРОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

## ЧАЙСАНГИЗ ОҒРИМАЙДИ

Тишларим тушиб кетгандан сўнг ясама тиш (коронка) қўйдирдим. Лекин яқиндан бошлаб ясама тишлар остидаги тишларим оғрий бошлади. Уларни олдирай десам... Ҳаммасини яна бошқатдан қўйдириш керак. Шунда онам қўллайдиган табиий усулни эсладим, шуни синаб кўрдим. Яъни, 1 чой қошиқ майда туз ва ичимлик содасини сувда эритиб аралаштирдим. Аралашмани оғзимда 3-4 минут тутиб турдим. Бир неча марта оғзимни чайганимдан сўнг оғриқ таққа тўхтади. Ҳозир тишларим оғримаса ҳам кунига 3-4 маҳалдан оғзимни шундай аралашма билан чайиб тураман. Эҳтимол бу муолажа кимгадир асқотиб қолар.

**С. ВАҲОБОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Занги ота тумани.**

## КЎКРАКДА ОҒРИҚ БЎЛСА...

Кўкрагингиз оғриётган бўлса, унда ўпкангизнинг шиллиқ қаватини шамоллатгансиз. Мана бу маҳсулотларни қўшиб компресс тайёрлаб, тунда ўралиб ётсангиз соғайиб кетасиз. Ўғлим дарёда чўмилиб шамоллагач, кўкраги оғрийдиган бўлиб қолганда шу усул ёрдамида даволаганман.

Бир ош қошиқ асални ярим стакан сутга аралаштириб озгина хамир қорасиз. Унга 100 граммдан сирка (уксус) ва оқ вино қўшасиз.

Ҳосил бўлган шифобахш хамирни кулча шаклида ёйиб оғриётган жойга босасиз. Бу муолажани бир ҳафта бажаргач, ўзингизни енгил ҳис этасиз.

**О. ШОКИРОВА,**
**Сирдарё вилояти,**
**Гулистон шаҳри.**

## УЗУМ ШАРБАТИ - ЁШАРТИРАДИ

Ўн йиллар кўришмаган дугонам меҳмонга келганида аввалига уни танимадим. Унинг юз териси таранг, тетик кўзлари эса худди ёшлигидагидек чарақлаб турарди. Унинг олдида эса менинг ёшим анча катта кўринарди. Қизиқиб ундан бунинг сабабини сўраганимда у кулди.

- Биз қишлоқда яшаймиз. Каттагина узумзоримиз бор. У етилганда ҳар куни шарбатини ичамиз. Қишга ҳам банкаларга ёпиб оламиз. Йил бўйи дастурхонимиздан узум шарбати узилмайди. Мен эса уни мана бу тартибда ичаман, - деди. Аввал бир ҳафта давомида оч қоринга ҳар куни 0,5 стакандан, кейин эса 15 кун 1 стакандан, сўнг бир ой 2,5 стакандан узум шарбати ичилади. У танани тозалаб, қонга тез сўрилади ва тиқинларни очади. Қон яхши айланган тана эса ҳар доим ўз ёшлигини сақлаб қолади. Балки бу аёлларимиз учун айни муддао бўлар.

**З. МИРЗААҲМЕДОВА,**
**Пскент тумани.**

## ЯРАНИ ТУЗАТАДИ...

Ўн икки бармоқли ичакнинг баъзан қон оқиб турадиган ярасини жарроҳсиз ҳам даволаш мумкин. Мен эримни мана бу усулда тайёрланган малҳам билан даволадим.

Бир дона тухум оқи, 1 чой қошиқдан қанд упаси, ўсимлик ёғи аралаштирилади-да, ушбу аралашма оч қоринга ичилади. Бу муолажа ўн кун давомида 1 ош қошиқдан ичилса, ичаклардаги яралар тузалади.

**М. АБДУЛЛАЕВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Ангор тумани.**

## АСАЛ БИЛАН...




Кўп эгилиб ишлаганимдан белимни кўтара олмай қолдим. Барча муолажаларни қилиб, малҳамлар сурдик, нафи бўлмади. Бир куни бувим қишлоқдан бир идишда асал олиб келди. Хотиним шу асални сал иситиб, белимга суриб уқалади. Асални бармоқларини белимдан кўтарганда қаттиқ-қаттиқ оғрирди. Ярим соат чидаб ётганимдан кейин уқалашни тўхтатиб белимни жун шарф билан ўраб қўйди. Эрталаб эса ҳеч нарса кўрмагандек яна ишга кетдим.

Мухлислар орасида бели оғриганлар бўлса ушбу муолажадан фойдаланиб кўришсин.

**С. АСҚАРОВ,**
**Қорақалпоғистон**
**Республикаси.**

## ШИФОБАХШ КЎКАТЛАР...

Буйракни кўкатлар билан даволаш мумкинлигини дўстимдан эшитдим. Айниқса буйрак хасталигида кўкатларнинг фойдаси кўп экан. Дўстим айтган мана бу усул менга ёрдам берди.

Буйраги оғрийдиганлар шундан тайёрлаб ичишса тузалиб кетадилар.

1 кило янги шивит илдизи билан майда тўғралади, 1 кило табиий асал ва 1 литр сув қўшилади. Ҳаммасини аралаштириб уч кун сақлагач, яна 1 литр сув қўшилади. Қуюқ шарбат ҳосил бўлади. Мана шу шарбатдан ҳар куни 3 ош қошиқдан овқатдан олдин истеъмол қилинса буйракни даволайди.

**Ш. УСМОНОВА,**
**Қибрай тумани.**

## ТОШНИ ЭРИТАДИ...

Шифокор буйрагимда тош борлигини айтганида жуда тушкунликка тушдим. Касалхонадан келаётиб эски танишимни учратиб қолдим. У хафалигим боисини сўраганида сабабини айтгандим, у кўнглимни кўтариб, ўзи билган бир усулни айтди.

Бу жуда оддий усул эди. Яъни тарвузнинг яшил пўстини қуритиб, янчиб чой дамлаб ичишим керак экан. Ишониб, ишонмай унинг айтганини қилдим. Шу пайтда ёз бўлгани учун тарвуз сероб эди. Икки ой тарвуз пўстидан чой ичиб, сўнг яна шифокор ҳузурига бордим. У текшириб кўриб энди буйрагимда тошлар йўқлигини айтганда ҳайрон қолдим.

Бу тарвуз чой шундай тайёрланади. 2-3 чой қошиқ тарвуз пўсти кукуни устига 0,5 стакан қайноқ сув қуйилиб чой дамланади-да, ҳар куни уч маҳалдан ичилади.

**Й.ЭРГАШЕВА,**
**Чирчиқ шаҳри.**

## БАРМОҚЛАР БИЛАН УҚАЛАНГ!

Кўпинча тиш ювган пайтимда милкларим қонаб кетарди. Аввалига малҳамлар суриб, турли воситалар билан чайиб юрдим. Лекин кўп ўтмай яна милкларим қонай бошларди.

Бир дугонам халқона табобат билан шуғулланганлиги сабабли унга ўзимни кўпдан қийнаб келаётган бу муаммони айтдим. У менга жуда оддий усул ҳақида маълумот берди. Бу усул мана бундай экан.

Ўзингиз фойдаланаётган тиш пастасини олиб кўрсаткич бармоғингиз билан милкларингизга сурасиз-да, яхшилаб уқалайсиз. Бу вақтда бармоқлар милкдан тишларга қараб ҳам ҳаракатланиши керак. Сўнг айлана шаклида ҳам уқаланади.

Эрталаб бу муолажа соат миллари йўналишида, кечқурун эса тескари йўналишда қайтарилади. Бу муолажа тишларни тозалаб бўлгандан сўнг бажарилади.

**М.ХОЛОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

## БАВОСИЛНИ ДАВОЛАШ...

Бавосил (геморрой) билан оғриган қайнонамни бир табибнинг маслаҳатига кўра мана бундай табиий усул билан даволадим.

Челак тубига қиздирилган ғишт қўйилиб, унинг устига майда тўғралган саримсоқпиёз сепилади. Челакни ҳар еридан тешик очилган ёғоч қопқоқ билан ёпиб, устига 10-15 минут давомида қайнонамни ўтқазиб қўйдим. Бу муолажани 7-10 кун давомида қайтаргандим, аҳволи яхшиланди.

**М. САМИЕВА,**
**Чирчиқ шаҳри.**

**БАСИРА тайёрлади.**

# ҲАМ ҒИЗО, ШИФО

## ҚАТИҚ—ЁШАРТИРАДИ

Қатиқ инсон ёшлигини узайтиради ва кайфиятини яхшилайди. Чунки, қатиқ таркибида ёшартирувчи моддалар ва дармондорилар бисёр. А, Е, Д каби дармондорилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, турли маъданлар, ферментлар, оқсиллар ва элементларни таркибида сақлайди.

Қатиқ асабни тинчлантиради, уни мунтазам равишда ичиб туриш уйқусизлик касалига чалинганларга фойдали бўлиб, тинч уйқу билан таъминлайди. Меъда ва ичакдаги микробларни ўлдиради. Инсон танасидаги барча заҳарларни суриб чиқаради. Нон билан қатиқ чанқаган кишига энг яхши таомдир. Шунингдек, ошқозон бузилиб, ич кетса ёки ичбуруғ касалига чалинганлар ҳар куни 3 маҳал қаттиқ нон еб, кетидан бир пиёла қатиқ ичишса, дардларига шифо бўлади. Қатиқни қаттиқ нон талқони билан қориштириб, истеъмол этилса, дизентерияга даво бўлади. Овқатдан заҳарланганда ёки умуман заҳарланиш ҳолларида ҳам қатиқ тавсия қилинади.

● Паришонхотирликда саримсоқпиёзли қатиқ фойдали ҳисобланади. Бунинг учун бир бўлак саримсоқпиёз эзилади-да, 1 стакан ёғсиз қатиққа солинади ва обдон аралаштирилади. Тайёр бўлган омухтага 1 ош қошиқ тўғралган кўк пиёз солинади. Кунига таомдан олдин бир маҳал истеъмол қилинади.

● Иммунитетни оширишда қатиқли шўрва ажойиб малҳам бўла олади. Бунда ўртача катталикдаги пиёлада қатиқни идишга солиб сув билан обдон аралаштирилади. 1 чой қошиқ эритилган ёғни (бошқа идишда) эритиб, унга зира, шакар, қалампир (таъбга кўра) солинади. Сўнгра устига қатиқ солиб аралаштирилади ва 5-6 дона ялпиз барги, мурч солинади, қайнатилади. Шуни ёдда тутинг, қайнаб чиқиши билан оловдан олиш керак.

● Қатиқ (1 стакан) мандарин (1 дона каттасидан), бир дона лимон аралашмаси пешоб-тош хасталигида яхши наф келтиради. Бу ичимликни кунига 3 марта истеъмол қилинади. "Цистон" номли дори воситаси билан ичилса, янада самарали таъсир кўрсатади.

● Икки ярим стакан қатиқнинг икки дона киви билан аралашмаси камқонликка шифо бўлади. Шу билан бирга кивили қатиқ ҳорғинликда, чарчаганда фойда беради.

● Қорин дам бўлишида қуйидаги қатиқли қоришма тавсия этилади:

1 стакан қатиқ, 1 дона олма, 5-6 та туршак, 1 дона лимон, 1 дона майдаланган ёнғоқ, 1 ош қошиқ шивит аралашмаси дардга малҳамдир.

Бу аралашмани эрталаб ва кечқурун истеъмол қилинади.

● Миллий таомларимиздан бири бўлган маставани тайёрлашда ҳам қатиқдан фойдаланилган.

Биз тайёр мастава - таомга қатиқ қўшиб истеъмол қилишни одат қилганмиз. Аслида мастава тайёрлаш учун қатиқнинг зардоби ишлатилади. Таомни тайёрлашда керак бўлган барча масаллиқлар қатиқ зардобида паст оловда қайнатилган. Бундай мастава ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда наф беради. Мастава сўзининг келиб чиқишига аҳамият берсак ҳам бу нарса маълум бўлади. "Мастава" форсча сўз бўлиб, "мост" - қатиқ, "об" сув деганидир. Яъни, "қатиқ зардоби" маъносини англатади.

Қатиқни ҳар куни 2 стакандан ичилса, кишининг бир кеча-кундузда оқсилга бўлган эҳтиёжининг 35 фоизга яқини қопланади. Шунингдек, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга тананинг эҳтиёжи маълум даражада қондирилади. Одатда бу аминокислоталар ўсимлик маҳсулотлари оқсилида етишмайди.

Хуллас, қатиқни ичиб туриш саломатлик учун ғоят фойдали.




## БИЯ СУТИ—ҚИМИЗ

Бия сути - қимизнинг шифобахшлиги жуда қадимдан маълум.

Мухлисларда савол туғилиши табиий: "Қимиз қандай ичимлик?".

Қимиз бия сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик бўлиб, сут кислота бактериялари ва сут ачитқилари С дармон-дори билан В гуруҳ дармондориларини синтезлайди. Микроорганизмлар таъсири туфайли қимиздаги оқсил кўпинча эриган ёки чала эриган ҳолатда, эримаган оқсил эса майда парчалар ҳолида бўлади.

Қимиз таркибида бижғиш пайтида микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган антибиотик моддалар мавжуд бўлганлигидан микробларга қарши кучли таъсир этади. Қимизнинг озиқлик қиммати анча юқори ва танадаги биологик жараёнларни кучайтириш хусусиятига эга. Қимизда спирт (2,5 фоизгача), карбонат ангидрид гази ва меъда ости безининг фаолиятини кучайтиради ва таом ҳазм бўлишини яхшилайди.

Қимиздаги антибиотик моддалар тананинг юқумли касалликларга бўлган қаршилигини оширади. Сут кислота бактериялари ичак микрофлораси учун яхши шароит яратиб, ичакда тананинг ўз-ўзидан заҳарланишига сабаб бўладиган чириш жараёнини сусайтиради.

Қимиз асосан ўпка силида (декомпенсацияланган формасидан ташқари) тавсия этилади. Уни кунига 6 маҳал 100 мл. гр. (ярим стакан)дан, камқувват беморларга 500 мл.гр. (икки ярим стакан)дан берилади. Кейинчалик бир кеча-кундузда 2-2,5 литргача етказилади. Бу махсус шифохона ва сиҳатгоҳларда қўлланилади. Уй шароитида эса қимизни наҳорда, нонушта ва тушлик овқатидан кейин 1,5 соат ўтгач, ҳўплаб ичилади. Кечки овқатдан кейин ичиш тавсия этилмайди.

Оғир касалликлардан кейин иштаҳа йўқолганда, камқонликда, меъда ширасида кислота камлигига алоқадор меъда касалликларида ҳам қимиз тавсия этилади. Бу хилдаги касалликларда қимизнинг бир кеча-кундуздаги улуши бир литрдан ошмаслиги даркор.

Ичакка заҳар тушиши ва заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида қимиз фақат пастеризация қилиб тайёрланади.

Қимиз томир уришини яхшилайди, қон босимини кўтаради. Шунингдек, қимиз қон шаклли таначаларнинг янгиланишига, меъда-ичак йўллари фаолиятига яхши таъсир кўрсатади. Кам қувват ва камқонлик туфайли озиб кетган кишиларга қимиз жуда фойдалидир.

Шуни ёдда тутиш керакки, юрак хасталиги бор ва қон босими баланд кишиларга қимиз ичиш мумкин эмас.

Табобат нома

# ТИРНОҚГУЛ ЁКИ ҚУШТИРНОҚ

## (Календула)

Тирноқгул манзарали ўсимлик сифатида боғларда ўстирилади. У шифобахшлиги билан ҳам ажралиб туради. Бир йиллик, бўйи 30-60 см.гача боради. Гуллари саватчага тўпланган, тўқ-сариқ рангда бўлиб, тиббиётда фойдаланилади.

Халқ табобатида унинг гулидан тайёрланган дамлама бош айланишида, иситмада, баъзи кўз хасталикларида ишлатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тирноқгул гулидан доривор моддалар тайёрлаш борасидаги изланишлар яхши самара бермоқда. Натижада ўсимлик гулидан янги дори-калефлон яратилган. Бу дори меъда (ошқозон) ва ўн икки бармоқли ичак яраси, ўткир ва сурункали гастрит хуруж қилганда, ўт (сафро) пуфаги, ўт йўллари касалликларида даводир.

Тирноқгул қуйидаги хасталикларда эм бўлади:

**Аллергияда:**

10 гр. тирноқгул гули олинади. 100 мл. қайноқ сувга аралаштириб, 2 соат буғланади. 1 ош қошиқдан 3 марта кунига ичилади.

**Гепатитда:**

2 стакан қайноқ сувга 2 чой қошиқ тирноқгул гул тўпламини солинади. 1 соат дамланади. Сузилади. 100 мл.дан 4 марта ҳар куни ичилади.

Тирноқгул дамламасини ичиш ҳам мумкин. Бошланишда 30 томчидан, кейин 1 чой қошиқда кунига 2 марта ичиш тавсия этилади.

**Гипертония (қон босими ошиши)да:**

20:100 нисбатда тирноқгул гули 40% спиртга солинади. 7 кун мобайнида сақланади. Сўнгра тайёр бўлган спиртдаги эритма аралашмаси 20-30 томчидан 3 марта ичилади.

**Нефритда:**

1 ош қошиқдан тирноқгул гули ва чаёнўт барги олинади. Бу йиғмага 200 мл. қайноқ сув қуйиб, дамланади. 100 мл.дан 3 марта кунда таомдан 1 соат кейин ичилади.

**Аритмияда:**

Юрак тез уришида тирноқгул гул тўпламини дамламаси шифо бўлади. Бунинг учун 2 чой қошиқ қуритилган гул тўплами 2 стакан қайноқ сувга солинади-да, 1 соат дамланади, сузилади. 100 мл.дан 4 марта кунига ичилади.

**Артрит, совуқ олиши, куйганда:**

Тирноқгул гул кукунидан 10 грамм олинади, 50 гр. вазелин билан аралаштирилади. Тайёр бўлган суртма малҳамдан озорланган жойга суртилади.

**Бодда:**

40 гр. қўштирноқ гулини 40% спиртнинг 100 мл.г.да қуйиб, 7 кун сақланади. Ушбу спиртдаги аралашмани вазелинга омухта қилиб, оғрийдиган бўғинларга суртилади.

**Стоматитда:**

1 ош қошиқ қўштирноқ гулига 200 мл. қайноқ сув қўшиб, 10 дақиқа қайнатилади, сузилади. Бу малҳам шамоллашга қарши, бактерияларга қарши оғиз бўшлиғини чайишда қўлланилади.

**Ангинада:**

Шиша идишга ёки сирли идишга 10 кг. қуштирноқ гули солиб, 200 мл. қайноқ сув аралаштирилади. Қопқоғи зич ёпилади. Иссиқ мато билан ўраб, 6 соат дамлаб қўйилади. Шу дамламадан 1 чой қошиқни илиқ сувга солиб, бир неча марта оғиз бўшлиғи ғарғара қилиниб, чайилади.

2 қисм ромашка—мойчечак гули, 1 қисм эвкалипт барги, 1 қисм қўштирноқ гули обдон аралаштирилади. 300 мл. қайноқ сувга 1 ош қошиқ аралашмани солиб, 2 дақиқа мобайнида қайнатилади. 30 дақиқа дамланади. Сузилади. Кунига 2 марта оғиз чайилади.

Қуштирноқ аралашмаси ҳам қўлланилади. У тайёр ҳолида дорихоналарда бўлади. Мабодо, топа олмасангиз ўзингиз ҳам тайёрласангиз бўлади. Бунинг учун 100 гр. қуритилган қўштирноқ гулига 0,5 литр ароқ қўшилади. 7 кун дамланади. Қоронғу жойда сақлаб, ҳар куни аралаштириб турилади. Сўнгра сузилади. Тайёр бўлган аралашмадан 1 чой қошиқ олиб, 1 стакан илиқ сувда суюлтирилади ва кунига бир неча марта оғиз чайилади.

Қуритилган куштирноқ гули 1:3 нисбатида 70 фоизли спиртга солиб, 24 соат дамлаб қўйилади ва 1:7 нисбатида зайтун мойи қўшилади. Сув ҳаммомида 7 соат ушланади. Оз миқдорда сув қўшиб, сузилади. Тайёр бўлган мойдан кунига 3 томчидан ичилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

ШЕЪРИЯТ



### МЕНИ СЕВСАНГ...

*Энг аввал тиз чўкдим,*
*Севаман дедим!*
*Жилмайиб, розилик билдириб қўйдинг,*
*Қалбимга қалдирғоч расмингни ўйдинг,*
*Ҳаётда ҳаммадан бахтиёр эдим.*

*Кейин қўлинг ўпдим...*
*Севаман дедим!*
*Яна жим розилик билдириб қўйдинг,*
*Мени ўзимдан ҳам ортиқроқ суйдинг,*
*Ҳаётда ҳаммадан бахтиёр эдим.*

*Сўнгра...*
*Билдим, бу хил тақдирлар кўпдир,*
*Юракни ўртади шубҳа ва санчиқ.*
*Ёрим, мени севсанг, кўнглингни ўптир!*
*Бўлмаса, севмайман, орамиз очиқ!..*

### БЕГОНА ДЕМА...

*Кўрмаганман, десанг ҳам майли,*
*Ҳеч дилимни қилмайман хира.*
*Танимайин қолсанг-да мени,*
*Бегона деб атама сира!..*

*Ёнишлари менга бир пул де,*
*Бошқалардай ғамимни ема.*
*Машраб дегин, Мажнун де, қул де...*
*Лекин мени БЕГОНА дема!*

### МЕН СИЗНИ

*Майли-да, баъзида босса ҳамки ғам,*
*Дардим аритгувчи нурсиз ягона.*
*Истамасангиз ҳам, истасангиз ҳам,*
*Мен сизни соғина бошладим яна.*

*Қандай яшадим-а ҳиссиз илгари,*
*Умрим увол экан сизсиз илгари,*
*Қуёшни соғинган баҳор сингари,*
*Мен сизни соғина бошладим яна.*

*Ҳар куни фалакка чиқади юлдуз,*
*Ҳар тун юрагимга солар бир хил из,*
*Кўксимни куйдирган энг чиройли қиз,*
*Мен сизни соғина бошладим яна.*

*Гарчи, борлигингиз дунёда борим,*
*Кўзлари хуморим, зулфи зилолим,*
*Ақлимни лол этган қоши ҳилолим,*
*Мен сизни соғина бошладим яна.*

### СЕВАВЕРАМАН

*Гарчи, бошқа боқмай қўйсанг ҳам,*
*Ғанимларим ҳолин сўрсанг ҳам,*
*Мени шундай ёмон кўрсанг ҳам,*
*Мен сени севаман...*
*Севавераман...*

*Майли, зоғлар тошларин отсин,*
*Майли, дўстим сирларим сотсин,*
*Майли, сўзинг кўнглимга ботсин,*
*Мен сени севаман...*
*Севавераман...*

*Майли, нурин қизғансин қуёш,*
*Тўлин ой-да бўлсин бағритош,*
*Мени эслаб тўкмасанг ҳам ёш,*
*Мен сени севаман...*
*Севавераман...*

*Майли, қийна, сен деб қийналай,*
*Севмайман де, жоним қиймалай,*
*Фақат қўйма мени ўйламай!..*
*Мен сени севаман...*
*Севавераман...*

### КУРСДОШ ҚИЗГА...

*Дил занжири узилиб кетди,*
*Кунлар йилдай чўзилиб кетди,*
*Соғинчларим ёқамдан тутди,*
*Яна сизни кўргим келяпти.*

*Осмон яқин, йироқми юлдуз,*
*Наҳот энди сира келмас куз?!*
*Соғинганга ўхшамайсиз сиз...*
*Ёнингизда бўлгим келяпти.*

*Капалакка тиктириб кўйлак,*
*Хонқизига чиздириб юрак,*
*Сизга айтиб бир ширин тилак,*
*Қошингизда тургим келяпти.*

*Кўзларингни жовдиратма, жон,*
*Арзир унга бўлолсанг қурбон!*
*Ўша гўзал ва қувноқ Сурхон*
*Қизин қучиб ўлгим келяпти!*

### БОЙ БЕРИБ ҚЎЙДИМ

*Яшашни билмадим ҳамма қатори,*
*Севаман, деб олов қучдиму, куйдим.*
*Соғинтириб келган умр баҳори,*
*Мен сени кузларга бой бериб қўйдим.*

*Бир ҳис чулғаганди бола қалбимни,*
*Ғунча деб гулханга босдим лабимни.*
*Айтолмай юрибман энди гапимни,*
*Мен сени сўзларга бой бериб қўйдим.*

*Кўнглимни ўйнаган кўнгли осмон қиз,*
*Дилга куз бўйлади, рангим сомон, қиз.*
*Наҳот энди севги бизга армон, қиз,*
*Мен сени музларга бой бериб қўйдим.*

*Бахт келди, қўлидан тутиб қолмадим,*
*Соғиндим, йўлингни кутиб толмадим,*
*Лекин бир тумордай асрай олмадим,*
*Мен сени кўзларга бой бериб қўйдим.*

### ҚАЙДАН ТОПАСИЗ

*Севги жуда мусаффо экан,*
*Эшигингиз нечун ёпасиз.*
*Кетгин, дея тутмангиз тикан,*
*Кетар бўлсам, қайдан топасиз?*

*Жон десангиз - жонингиздаман,*
*Қасам ичсам - қонингиздаман,*
*Гарчи сизнинг ёнингиздаман,*
*Кетар бўлсам, қайдан топасиз?*

*Осмонларга етувчи оҳим,*
*Сизни севишимми гуноҳим?*
*Ёнингиздан ҳайдаманг, моҳим,*
*Кетар бўлсам, қайдан топасиз?*

*Кўйингизда куйганча куйдим,*
*Битта ошиқ суйганча суйдим,*
*Мен ўзимни йўқотиб қўйдим,*
*Энди мени қайдан топасиз?*

### УЧРАШУВ

*Пасттаккина кичкина қишлоқ,*
*Катта юртнинг бўйига бўйлар.*
*Дийдорга дил бўлганда муштоқ,*
*Учраштирар бизларни тўйлар.*

*Бўй қизлар кўп, йигитлар бисёр,*
*Катта мавсум бошланади - КУЗ.*
*Тўйда ҳеч ким эмас-ку ағёр,*
*Фақат тезда тарқаб кетар сўз.*

*Шундан тиллар сукутда қолиб,*
*Кўзлар пинҳон суҳбат қуради.*
*Тўйда оёқ тинч-у, хаёллар*
*Қувлашмачоқ ўйнаб юради.*

*Сен чўчийсан акангдан бироз,*
*Менинг ҳам сал бўшанглигим рост.*
*Фақатгина интиқ кўнгиллар,*
*Фақат диллар бир-бирига мос.*

*Ширингина кичкина қишлоқ,*
*Атрофида минг бир хил ўйлар,*
*Ҳаргиз гулим тутолмас, бироқ*
*Учраштирар бизларни тўйлар!*

***Жасур ҲУСАНОВ***



### ЎТКИНЧИ

Дарахт учидаги япроқ бўлсанг ҳам,
Гўё сен ҳаммадан оппоқ бўлсанг ҳам,
Зўрлик бобида ҳам бир тоқ бўлсанг ҳам,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Шоҳ Искандардай ҳам эмассан шаксиз,
Ҳуснда Юсуфман демассан шаксиз,
Дунёга икки бор келмассан шаксиз,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Сиртинг ялтироғу ичинг қалтироқ,
Қайси бир ҳолингга қиласан фироқ,
Сенинг йўлингда ҳам турар пулсирот,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Нафсинг борар кундан-кунга каттариб,
Ҳисобин ололмас бозор аттори.
Гуноҳларнинг бўлмас бундан баттари
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Бахт қуши ҳам, нодон, асли ўткинчи,
Гар бошига қўнса, шоҳдир ўткинчи,
Ўтинчидай бузма ҳамманинг тинчин,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

**Дилбар ҲАЙДАРОВА**



**Бугунги кунда 60 ёшини нишонлаётган андижонлик шоир Нусрат АБДУСАЛОМнинг бир неча шеърий китоблари чоп этилган, лирик ғазаллари қўшиққа айланган.**

### СОВУҚ

*(Ҳазил)*

*Кўҳликкина ёш қиз бола эдинг,*
*Ёноғи мисли гуллола эдинг.*

*Толиба эдинг дорулфунунда,*
*Учратар эдим мен сени кунда.*

*Лекин ишқ изҳор этмас эдим,*
*Васлингга зинҳор етолмас эдим.*

*Бериб юбордим дугонангдан хат,*
*Изҳор этилган унда муҳаббат.*

*Юрагим бетлаб бормадим ёвуқ,*
*Қизларга дебсан сен мени "совуқ".*

*Гапнинг қисқаси:-дон сеп товуққа,*
*Ёр бўлдинг ахир мендек "совуқ"қа.*

### ЧАЛАВЕРГИН НОҒОРА

**Воқеий**

Нуралининг хотини
Қолди яна минғиллаб:
–Қаранг қўшни томонга,
Уйи турар данғиллаб.
Эрдай бўлиб, сиз ҳам ҳеч,
Бойликка уринмайсиз.
Томорқани ковлашдан
Кун бўйи эринмайсиз.
Қачонгача сиз билан
Яшайман кўл учида,
Сарви деган дугонам,
Дам олармиш Сочида.
Сизга тегиб, не бўлдим?
Бўлмасам шўрпешона
Бизда ҳам қўш қаватли
Бўлсин дейман кошона.
Дугонам, сен ўзингни
Савдога ур, деяпти.
Йўл-йўриқ кўрсатаман,
Мен билан юр, деяпти.
Гапларига унасам,
Қарз берармиш фоизга.
Фақат қараб қолманг-да,
Узум билан майизга.
Нурали дер, "туф-туф" лаб:
- Эсингни йиғ, ҳой, хотин,
Бировнинг пули билан
Бўлолмайсан бой хотин.
Ҳовлимиз, боғимиз бор,
Фарзандларнинг усти бут.
Шўр қўшмасдан шўрвангга
Хом хаёлни тез унут.
Ҳар ким ноғорасига,
Хотинжон, ўйнамагин,
Рўзғорни касод қилиб,
Мени ҳам қийнамагин.
Меҳнатнинг нони ширин,
Яхши яшаб турибмиз.



Ҳаромга аралашма,
Ҳалол ошаб турибмиз.
Хуллас, хотин у деди,
Эр гапига кўнмади.
Миллионни олгунча
Жаврашдан ҳеч тинмади.
Миллионнинг жойига,
Уй гаровга қўйилди.
Нурали ҳам тинчиди.
Хотин жағи тийилди.
Уч ой ўтмай хотини
Савдодан тушиб кетди.
Миллиони ҳам болалаб,
Қарзи ҳам ошиб кетди.
Раҳмдил дугонаси
Қарзини қистаб келар,
Беш ой бўлмай кўнглига
Неларни истаб келар.
Қора қозон ҳар куни
Энди қайнамас уйда.
Миллион ҳам тинмасдан,
Болаларди ҳар ойда.
Боши гангиб Нурали,
Томини бузиб берди.
Юрагининг ярмини,
Гўё-ки узиб берди.
Бу ҳам етмай, уйдаги
Бор бисоти сотилди.
Нурали-ку амаллаб,
Бу ғалвадан қутулди.
Ёғинга ҳам оз қолди
Очиқ ётар кошона
Нурали дер хотинга:
- Бисотингдан қолгани
Ана, тешик тоғора
Томга чиқиб қишгача,
Чалавергин ноғора.

**Пардабой ҚУЛАТОВ**
**Сурхондарё вилояти,**
**Жарқўрғон тумани.**

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00.
Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11087
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 5 6